

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ФАРЗАНДЛАРИМ — ЁНИБ ТУРГАН ЧИРОҚЛАРИМ!



Чилонзор маҳалласидаги Кифоятхон опаникига таваллудди арафасида борганимда бу жаннатдек хонадонга барча дилбандлари йиғилишиб, оталари Нигмонжон ака Муталовни (Оллох ўз раҳматиға олсин) хотирлашди.

Фарзандларимнинг феъл-атворини чақалоқлигидан яхши билардим ва шунга яраша муомала қилардим. Шу

ҳовлида ўн тўрт нафар боланинг кулгулари янграб, ўн тўрт марта бешик тебратиб, алла айтганман. Шукр. Йиллар ўтиб хонадонимга 7 нафар келин қизим бўлиб, 7 нафар кўёвим эса ўғил бўлиб келишиб, болаларим 28 нафар бўлди. 44 набирам, 38 эварам бор. Болаларимнинг отаси билан 45 йил аҳил яшадик, дейди Кифоятхон опа.

Кифоятхон опа умр бўйи фарзандларининг тарбияси билан шугулланди. Бошқа ишда ишламади. Энг ажойиб, ҳамма ҳавас қилгудек фарзандлар ўстириб элу юртга қўшди. Маҳалласида эса энг ибратли оила деган ном олишди. Бу хонадон ўғил-қизларининг ҳаммаси масъулиятли лавозимларда ишлаб, юртимизнинг равақига равақ қўшишмоқда.

Ўғил-қизларинингизнинг шундай тарбияланишида кўпроқ нималарга эътибор бергансиз, - сўрайман Кифоятхон опадан.

Биз отаси раҳматли билан бир-биримизни эъзозлаб, авайлаб яшадик. Фарзандларимиз ҳам шуни кўриб ўсишди. Энди улар менинг ҳам ортимда қолишсин. Фарзандларим - Дилбар, Раъно, Ҳакимжон,

Омонуллох, Ҳикматилла, Шўхратилло, Феруза, Гулнора, Раҳматилла, Файратилла, Гўзал, Алишер, Назирбек, Севараларим — умримнинг чироқлари, улар порлаган гўшалар тинч бўлишини Оллохдан сўрайман.

Кифоятхон опа! Чироқларингиз қайда порласа-да, нурлари ота уйига, сизнинг қалбингизга ёғду сочаверсин.

БАСИРА

ДУНЁ БАХТГА ТУЛАР СИЗ БИЛАН

1 июн — Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни республикаимизда катта тантаналар билан нишонланди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирларда ҳукуратимиз томонидан болаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар қайд этилибгина қолмай, олдинда турган вазифалар ҳам белгилаб олинди.



● 1998 йил июн ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси ва «Проктер энд Гэмбл» компанияси ҳамкорлигида тўрт йўналиш бўйича — «Она ва бола», «Жозибдор табассум», «Балоғат даври» ва «Соғ тан — соғлом бола» ахборот-таълим дастурлари ишлаб чиқилган эди. Яқинда, ана шу дастур бўйича тўрт йил мобайнида олинган натижаларга бағишлаб матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Дастур ташкилотчилари томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш масалаларига қаратилган ушбу ҳамкорлик бундан кейин ҳам такомиллаштирилиши ва ривожлантирилиши келишиб олинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

● Куни кеча пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номили маданият ва истироҳат боғида Чилонзор ҳокимлиги билан биргаликда 1 июн — Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишлаб кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун байрам дастурхони ташкил этилди.

Н. РАҲМОНОВА

● Пойтахтимизнинг Интерконтинентал меҳмонхонасида болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Анжуманда БМТ Бош ассамблеясининг 8-10 май кунлари Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган махсус сессияси ва Бишкекдаги Болалар форуми якунлари муҳокама қилинди. Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломова юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида қилинаётган хайрли ишлар ҳақида сўзлади. Йиғилиш қатнашчилари Женева конвенцияси бўйича тавсияномалар ассосидаги Миллий режа лойиҳаси билан таништирилди. Тадбир сўнггида Республика «Томоша» болалар дастасининг байрам дастури намойиш этилди.

Х. МҮМИНОВА



● Пойтахтимизда Республика Перинатал маркази фойдаланишга топширилди. У «Соғлом авлод» Давлат дастури доирасида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова марказнинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, хусусан, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мазкур замонавий тиббий марказнинг очилиши ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликлар сирасидандир.

Саккиз бўлимдан иборат янги марказнинг асосий фаолияти оналар ҳасталаниши ҳамда ўлимнинг олдини олиш, турли хил туғма нуқсонлар билан дунёга келган чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат. У замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Муассаса Республика Скрининг маркази, Акушерлик-гинекология илимий-тадқиқот институти ҳамда болалар тиббиёт тармоқлари билан бевоқиф ҳамкорликда фаолият юритади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдурахмонов иштирок этди.

ЎЗА

● Олмалик шаҳрида ўтказилган «Болаларга бering дунёни» деб номланган тадбирда кам таъминланган оилаларнинг 300 нафардан кўпроқ ўғил-қизлари иштирок этишди. Уларни вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Адилба Аҳмеджонов, Олмалик шаҳар ҳокими Ю. Беланов, Миср элчихонасининг Маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси, фан ва маориф Маркази раҳбари профессор Эльдерхалоф Шоқр Эшнет байрам билан табриклаб, эзгу тилаклар билдиришди.

Байрам иштирокчиларига совға-саломлар тарқатилди. Пойтахтимиздаги «Тошкентленд» болалар боғи кун бўйи Бўка, Ангрен, Чирчик ва Бўстонлик туманларидаги меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар ихтиёрига берилди.

З. ЖҲРАЕВА

Тақдир тақозоси билан, аниги ўғлининг кистови билан Лешку тумани марказий касалхонасида анча даволандим. Шу туманнинг "Валфажир" кишлоғидан Раҳматилла Исмолов деган кекса отахон билан бир хонада ётдик. Кунларнинг бирида ҳақим Нурулло Андаев қўлимга бир варақ қоғоз тутқазди.

- Домла, шу шеърни ўқинг-чи, Сизга маъкул келадими? - деди кулимсираб. - Буни менга бир бемор аёл берди.

Мен дарҳол қоғоздаги ёзуви ўқий кетдим.

Мен отажоним меҳрига зор ўсанман. Отам Абдулла ва амаким Файзуллолар бир кунда урушга жўнаган эканлар. Отадан 6 ойлик чақалоқ қолганман. Амаким ҳали уйланмаган

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

бўлган. Отам 1944 йилгача урушда қатнашган, сўнг қора хат келган. Амаким бедарак кетган.

Бобожоним Шоди бобо Бозоровни ҳалихануз эслаيمان. Соқоллари оппоқ, кўксиларига тушарди. Туладан келган, ўрта бўйли,

вали босилган экан. Шунга кўз югуртирдим. Ўша пайтда 4-синфда ўқийман. Заёмлар рақами эсимда экан. Қарасам, битта 500 сўмлик заёмга 500 сўм пул чиқиб турибди-дана. Қўлимда газета билан ҳовлимизга чоғиб кирдим.

- Отажон, ҳой онажон, заёмга, заёмга 500 сўм пул чиқди, - дедим қувончимни яширолмай.

Чоғиб уйга ҳам кирдим:

- Дадажон энди пуллик бўламиз, мана заёмга 500 сўм пул чиқди, - дедим.

- Эҳ, тилинган ўргилай ўғлим, қани онаси

“ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ...”

Дангиллама ҳовли, улугвор кўркам, Хатто эшиклари, нафис нақшикор. Меҳмон бўлиб кирдик, ҳовлига ўқтам, Ажаб бир чеккада, кичик уйча бор. Ўйладим эҳтимол ўтинхона у, Ёки майда-чўйда сақланар унда. Меҳмон имо қилди, юзида кулгу, «Бизнинг волидамиз яшар бу уйда». Авваламбор муҳтарам онани истаб, Қўримсиз бу уйга қўйгандик қадам. Кир тўшак устида эшикка қараб, Она ётар, бемор, кўзларида алам. Чегалланган чойнак, эски пиёла, Кир сочиқ устида совуб қолган ош. «Болам меҳмонхона у ёқда дея», Имлади, кўзимда ҳалқаланди ёш. «Эй сен онаизор меҳнати зое, Шу кунга қолдингми оқарганда соч. Шу умидда фарзанд ўстирганимдин, Орсунинг шумиди кўзларингни оч. Тўшакка қуладинг, ҳорғин, беаодор, Кўзларинг эшикда, олмасму хабар. Бу ўғил - келиннинг обрўси недур, Кексайган чоғингда ҳолинг паришон. Отаси урушдан қайтмади ахир, Емайин едирдинг рангинг заъфарон. Ўғлингдан кутганинг шумиди ахир, Кексайган чоғингда ҳолинг паришон. Эй танноз келинлар, қизлар, ўғиллар, Миллионлар сарфлабсиз кошонангизга. Базму жамшид куриб меҳмон кутгунча, Мурувват кўрсатинг ўз онангизга. Узр уйингизда чой ичолмасман, Онангиз тақдир титроққа солди. Она ҳўрлигини кечира олмасман, Суратинг кетди-ю, юрагим қолди.

Шеърнинг остига "Дилором Каримова" деб ёзилган эди. Шеърни ўқиб ниҳоятда қаттиқ таъсирландим. Кўзларимдан шашқатор ёш оқди.

- Шу қоғозни берган аёлни бир кўрсам бўладими, - деб ҳақимга мурожаат қилдим. Хонамизга 30-35 ёшлар чамаси бир аёл кириб келди. Бу шеърни ёзилиши тарихи билан кизиқдим.

- Бу шеърни мен ёзганим йўқ. Курсдошим Дилором ёзган. Отам ниҳоятда қаттиққўл эдилар. Мени мажбуран турмушга чиқардилар. Қайнотамга ўқишга ниятман борлигини айтган эдим, Педагогика техникумида ўқитдилар. Ҳозир боғчада тарбиячман. Оиламиз тинч. Фарзандларим бор. Аммо юрагимда армоним бор. Тошкентга бориб, дугонам билан ўқий олмайдим. Ҳозир дугонам олимпиада унингдда дарс беради. Тез-тез кўришиб тураман, деб келинчақ гапини тугатди. Мана шу шеър баҳона болалигим кўз олдимдан ўтди.

юзларидан нур ёғиларди. Тақдир тақозоси ва бобожонимни кистовлари билан онажоним бошқа кишига турмушга чиқдилар. Бобожоним ҳафтада 3-4 кун Ғиждувон бозорига бориб, мевалар сотиб, бозордан қайтишда, (ҳовлимиз йўл яқинида эди), мени чақириб қанд-курс, мевалар бериб, хурсанд қилиб ўтиб кетардилар. Бағирларига босиб, «ўғлимдан ёдгорим», деб эркалатардилар. Йиллар ўтди... Бобожоним қарий бошладилар. Бир куни 2 та иссиққина нонни кўтариб борсам, бобожоним: "Онанинг ва ўғай отангнинг айтганини қил, яхши ўқи ўғлим, келажак энди сизларники", - деб насиҳат қилдилар.

Бобожоним Шоди бобо Бозоров 101 ёшларида 1968 йил вафот этдилар. Шу йили ҳаво ниҳоятда совуқ бўлди. Бобожонимнинг анорзорлари бор эди. Ҳар йили 4-5 тонна, ҳар бири чойнақдай анорлар узиб, қишдан чиқариб, баҳор ойларида сотардилар. Кимга анор қўнати керак бўлса, текинга бериб юборар эдилар. Бобожоним вафотларидан кейин, совуқ тўғайлими ёки бобожонимни ўлимлари тўғайлими анорлар қуриди, кўкармади. Одамлардан эшитганман — ҳар бир оилада, рўзгорнинг баракаси бир кишининг бошида эмиш. Агар шу киши вафот этса, оиладаги хайр-барака кўтарилармиш. Менимча, бу гапда катта маъно яширин. "Қариси бор унинг париси бор", дейишади. Қайси хонадонда қара бобо ёки буви бўлса, у хонадонда барака бор. Ўша хонадон жуда файзли, ораста бўлади.

Энди икки оғиз сўз ўғай отам ҳақларида. У кишини исмлари Ёдгор эди. Оталари вафот этганда она қорнида қолган эканлар. Шунинг учун исмлари Ёдгор экан. Ўғай отам ниҳоятда камтар, меҳнатсевар киши эдилар. Бир неча марта уйланган, ҳар гал 3-4 йилдан сўнг хотинлари вафот этар экан. 50-йилларда онамга уйланибдилар. Бир ўғиллари бор экан. Иسمи Мухайёр. Биз ака-укадек катта бўлдик. Ўғай отамдан ҳам бир укам бор. Гапини чўзмасдан оилавий ҳаётимиздан мисол келтирмоқчиман.

...1954 йили акам Мухайёрни уйлантирдилар. 500 сўмча қарз бўлдилар. 1955 йилнинг қиш кунлари эди. Қарз эгаси отамдан пулини сўраб келибди. Отам бирор ҳафтадан сўнг элтиб бераман, деб ваъда берибдилар. Аммо бирор кишидан олиб берсам бўёғи қандоқ бўлади, мол йўқми сотиб қарзни тўласам, деб қайғуриб касал бўлиб ётиб қолдилар. Уч кеча-кундуз оқатланмадилар. Пайшанба кунни тушдан кейин бир жўрамнинг меҳмонхонасига кирдик. Равоқнинг устида "Қизил Ўзбекистон" газетаси турган экан. Унда заём уйини жад-

сандиқ устидан кўрпаларни ағдар, заёмларни олчи, кўрамиз ростми ёки ёлғонми, - дедим унча ишонқирамадилар.

Мен онам кўлларида заёмларни олдим. Қарасам, 500 сўмлик заёмга 500 сўм ютук. Оиламизда шу кеча ҳақиқий байрам бўлди.

Онажоним оналари, оталари руҳини шод қилиш учун ис чиқариб, "қатлама" тайёрлаган эдилар. Отажоним уч кеча-кундуз оқатланмаган эдилар. Шу кечкурун тўйиб қатлама едилар. Эртаси кун онажоним Ғиждувонга бориб пулни олиб келдилар. Отажоним эса пулни қарз олган кишига элтиб бердилар. Мени бағирларига босдилар.

- Зехни ўткир болажонимдан ўргилай, мени қарздан қутултирган ўғлимдан айланай, - деб кўзларида ёш билан 5-6 марта ўғиллар ва дуо қилдилар.

Ҳа, ўғай отам олижаноб инсон эдилар. Одамларга уй қуриб берадилар. Фалон сўм бер, деб ҳеч айтмас эдилар. Усталар чўп танлаб иморат қилса, бу киши ҳар бир кишининг эҳтиёжига қараб иморат қилар эдилар. Ҳозир ҳам ширкат ҳўжалигимиз аъзолари отажоним номини ҳурмат билан эслашади. Мени уйлантирганидан сўнг, мени сиз-сизлаб номини чақирардилар. "Нега сизлайсиз отажон", десам, "Сиз энди бола-чақали ўқитувчисиз, билимчисиз", дер эдилар. Мен уялиб: "Сизламанг, мен уяламан, мен ўғлингизман", - дер эдим. Тақдир тақозосига кўра мени икки марта уйлантирдилар, институтда ўқитдилар. Мени бирор маротаба урганлари, ҳақоратлаганлари йўқ. Ўз отамдек ҳурмат қилар эдим. 89 ёшларида вафот этдилар. Илоҳим ётган жойингиз жаннатда бўлсин отажон, Ўратган ағамдан шуни илтижо қиламан.

Энди ёшларга айтадиган икки оғиз гапим бор:

Қадрли ёшлар, ота-онангизни, қарияларнинг фақат дуосини олинг. Улар сизу бизга ганимат. Уларнинг ҳаётий тажрибаларидан ибрат олинг, фақат фойда кўрасиз. Қари ота ёки онангиздан икки оғиз ширин сўзингизни аяманг. Байрамларда ҳеч бўлмаса битта пайпоқми ёки мева-чева билан бориб сийлаб турунг. Ҳеч бўлмаса ҳолаҳвол сўрашиб, кўнглини кўтаринг. Кўнгли ниҳоятда нозик. Ота-онангизни ширин сўзингиз билан хурсанд қилиб турсангиз, Оллоҳ ҳам сиздан рози бўлади. Ана шундагина ҳурматга сазовор бўласиз. Халқимизда: "Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми?" - деган мақол бор. Ҳа, дуо олтиндан қиммат. Буни асло унутманг, азиз ёшлар!

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ,
кекса ўқитувчи

Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани "Зарафшон" ш/х.

ОИЛА —
БАХТ БЕШИГИ

Оилани олтин бешикка қиёс этишади. Республика "Оила" илмий-амалий маркази Наманган вилоят бўлими директори Мастураҳон МУҲАММАДИЕВА ўз фаолияти ҳақида шундай дейди:

- Ўтган йили бўлимимиз ташаббуси билан "Оққан дарё оқавради", ҳамда "Йигит омон бўлса" китобини босмадан чиқардик. Ҳар икки манбада ҳам оилада камол топган фарзанднинг бахт-саодати тўғрисида ёзилган. Бундан ташқари, ўтган йили 10 га яқин буклетлар тайёрлаб, шаҳар, туман ҳокимликларига, қишлоқ, маҳалла фуқароларига тарқатдик.

Яна ўз жониға қасд ва суиқасд қилган ҳамда балоғат ёшга етмай жиноятга қўл урган ёшлар ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказдик. Таҳлиллар натижасини ҳокимликларга тақдим этдик. Тадқиқотчиларимизнинг хулосалари кўпайтирилиб, жойларга тарқатилди. "Оила ва дин" мавзусида жамоатчилик фикри ўрганилди.

Шу йилнинг биринчи чора-ғидида "Оила психологияси, оила аъзоларининг муносабатлари, оила муаммоларини ҳал этиш" мавзусида сўровнома ўтказдик. Таҳлилларни қўриб ўзим қувониб кетдим. Чунки бизнинг халқимиз ниҳоятда ориятли, шўролар даврида қанча тазйиқларни бошдан кечирмасин ўзлигини йўқотмаган.

Биз ҳуқуқий демократик давлат қураяпмиз. Яхши яшаш учун ҳамма имконият бор. Оила фаровонлиги учун изланиш, ўрганиш, тараққиёт сари дадил бориш кифоя.

Оила манфаатлари, уни мустаҳкамлаш бора-бора мамлакатимизда кўп ишлар қилинмоқда. Фаолиятимиз бевосита ана шу йўналишни қамраб оларкан, биз камарбаста бўлиб ишлайшимиз керак. Ўтказган тадқиқотларимиз натижасини амалда бажаришимиз лозим. Хулоса, тақлиф ва мулоҳазаларимиз рўйбга чиқиши учун эътиборлироқ, керак бўлса талабчанроқ бўлишимиз зарур.

30 йилдан ортқ давлат ва жамият қурилишида фидокорона меҳнат қилган Мастураҳон Муҳаммадиева бошқараётган Марказда ўзига яраша ҳаракат борлигидан қувондик.

Дилбар ХАЙДАРОВА

МУҲАББАТ, ВАФОЮ САДОҚАТ БЎЛСА...



Фарзанд эру хотинни бир-бирига боғлаб турадиган занжир дейишади. Ургутлик Усмонали билан Маҳмамойлар эса занжирсиз ҳам ўзаро муҳаббатлари, вафою садоқатларини оёқ ости қилмай, сабртоқат билан 12 йил бир-бирларини суяб, аяб яшади. Халқимизда: "Уринган хотин ўғил туғар", - деган нақл бор. Улар Тошкентга келиб даволаниб кетишгандан кейин, Худонинг марҳаматими, баҳонаю сабаб биланми, ишқилиб ораларида бир умрга уларни боғлаб турадиган занжир — Давлатжон дунёга келди. Жар ёқасида турган оила, мустаҳкамланди. Улар Давлатжонни ёлғизлатиб қўйишмай, ўз яқинларининг қизалоғини ҳам қарамқолларига олдилар. Эмизикли келтирилган чақалоқ ҳозир ҳовлини шавқу завққа тўлдириб чопқиллаб юрибди. Бу ота-онанинг тарбиясини олаётган ўғил-қиз Ўзбекистоннинг садоқатли фарзандлари бўлиб етишади. Чунки халқимизда: "Қуш инида кўрганини қилади", деган нақл бор...

Тоҳир НОРИМОВ

Гўшадаги аёлнинг овозидан ҳаяжонланганлиги сезилиб турарди. Ўзини Наимахон Азимова, деа таништирган аёл сўзида давом этди.

- Юнусобод туманидаги тўққиз қаватли уйлардан бирида яшайман. Хар кун эрталаб, баъзан эса бўш вақтларимда уйимиз атрофини, йўлакларни тозалаш супуриб, сув селиб қўяман, бирик...

Аёлнинг овози титради.
- Супуриб-сидириб, деб миннат қилмайман. Ахир бу жойдан салкам йигирмата хонадон одамлари ҳам кириб чиқишади-ку. Ана шу

та ит боқар, улар кечаю кундуз ахиллаб тинчимизни бузар, ҳаммаёқни бурга бостириб юборишарди. Хайриятки, ҳозир итларни қаёққадир олиб кетишди.

- Яқинда оиламиз билан биринчи қаватнинг теварак-атрофини тозалашдик. Ўзимиз машина топиб, пул тўлаб ортиб жўнатдик. Телаимизда яшайдиган қўшнилари билан бири келиб салом йўқ, алик йўқ: "Хой, менга қаранг, эртага йўлакни супуриб чинни-дек қилиб қўйинг. Уйимизга совчилар келишади", - дейди. Турган гапки бундай муоамладан меннинг жаҳлим чиқди.

уйнинг деразасини очиб қўйдим. Бир пайт шунақанги қўланса хид кира бошладики, уйда ўтириб бўлмади қолди. Эрим чиқиб қараса, кимдир беш-олти килоча сасиган гўштни нақ балкониимизнинг остига ташлаб кетибди. Шаррос ёмғир ёғиб туришига қарамай эрим билан, ўғлим гўштни ахлатхонага олиб бориб ташлашди. Эрталаб ишга кетаётган қарасам, яна ҳаммаёқ ахлатга тўлибди.

Наимахоннинг кўнгириғидан кейин, у яшайдиган уйдаги ахволни билиш учун Юнусобод тумани, Навроҳ маҳалласига қарашли 4 - даҳага йўл

ётибди. Уйимизнинг қордоғида номаълум одамлар кечаси келиб тунаб юришади. Лифтимизнинг троси йўқолди. Икки минг сўмдан пул йиғиб, аранг ишлатдик. Бир ой-дирки яна ишламапти.

3-уйдаги йўлаклардан бирининг олдидаги чиройли гулларни эккан Светлана Мажиждовна билан суҳбатимиз анча чўзилди.

- Орасталик бор жойда фэйз, барака бўлади. Мен кўчиб келганимда деразамнинг олди ахлатхона бўлиб ётганди. Уни тозалатиб мана бугун қўриб турганингиздек гулзор қилиб қўйдик.

- Демак, сиз қўшни болаларни гўзаллиқни севишга, қадрлашга ўргатибсиз.

ЙЎЛАКНИ СУПУРИБ ҚЎЙИНГ, УЙИМГА СОВЧИЛАР КЕЛАДИ...

оилаларнинг лоқайдлиги мени ўйлантиради.

- Бошқалар тозалашка эътибор беришмайди?

- Супуриб сидиришмаса ҳам юқори қаватда яшайдиган қўшнилариимиз ўз ахлатларини деразаларидан паства, мен супурган жойга улоқтиришмаса майли эди... Ҳеч бўлмаса меннинг меҳнатини қадрига етмаса, уйларида чиққан ахлатни махсус жойга олиб бориб ташлашса бўлади-ку. Уларнинг фарзандлари ҳам ана шундай тарбияни олаётганларидан қўнонам, баъзан. Биз шу ерда ўн икки йилдан буён яшаймиш. Кўпчилик қўшнилариимиз ҳам биз билан баравар келишган. Демак, ўша пайтда туғилган болалар ҳозир 12 ёшга чиқибди. Ота-оналар эса ўз болаларини бирининг меҳнатини қадрлашга ўргатишлари керак эмасми?

- Кўп қаватли уйларда яшайдиган қўшнилари йўлакларни нават билан тозалашаётганларини кўрганман. Сизлар ҳам шундай қилиб кўрмаганмисизлар?

- Худди шу масалада бир-иккита қўшнилариимизга мурожаат қилиб балога қолдим. Бу ҳам етмагандек тепада яшайдиган қўшнилариимиздан бири уйимизнинг пастидида ахлат ташланадиган махсус жойда бир неча



Чунки у мендан анча ёш, унинг ҳам уйда бўйига етган қизи бор эди. "Уйингизда совчи келса қизингиз ҳам супурсин-да. Ахир совчилар сизникига келатган экан-ку", - дедим.

- Бекор айтибсиз, биринчи қаватда яшайсизми, демак йўлакни супуриш, тозалаш сизнинг махриингизга тушган, деди. Мен хафа бўлиб, шундан кейин умуман супурмайман дегандим, лекин...

- Яна нимадир бўлди? - Кечкурун овқат қилаётиб

Сўрай-сўрай бир йўлак олдини супураётган жувондан шу уйнинг 3-уй эканлигини билдим. Гапга солдим.

- Учинчи қаватда яшаймиз, деди у. Ҳамма ўзи яшайдиган қаватдаги зиналарни ювиб тозалайди. Чунки болалар ўйнаши учун бошқа жой йўқ. Мана бу тошлоқ ерни кўряпсизми? Қайнонам: "Болаларимиз учун майдонча қилиб чим ётқизайлик", деб таклиф қилганди. Кўпчилик унамади. Мана энди чанги осмонга чиқиб

да...

- Биласизми, мен уларга: "Қараб туришлар, гулларни ҳеч ким узмасин, синдирамасин", дедим. Мана натажаси. Болаларни-ку тарбияласа бўлар экан-а, аммо катталар... Эркалар деразани очиб сизгарет чекишади-да қолдигани отиб юборишади. Бир-икки айтганимдан кейин, ҳеч ким нараса ташламайдиган бўлди.

Наимахоннинг ҳам, бу аёлнинг ҳам қўнишида жон бор, албатта. Ваҳоланки, турар жойларимизни, хонадонларимизни тоза, пок сақлаш ғоят савоб иш-ку. Шу қўпқаватли уйларнинг ҳар бир йўлагидан қаида ўн беш йигирма чоқли одамлар кириб чиқишади. Уларнинг орасида ўзбекана урф-одатларнинг йўқлигидан, қўни-қўшилларнинг беокибатлигидан хафа бўлдики, дилимиз оғриди. Бизни бошқа халқлардан бир поғона юқори кўтариб турувчи қўни-қўшилчиллик, сизу бизчилик қанчалик қадрига қолди? "Ернинг юзиди қанча кўп очсанг, Оллоҳ сенинг ризқингни шунча кўп сочади", - дейишади.

Сиз нима дейсиз, азиз муҳли? Сизнинг маҳаллангизда ахвол қандай?..

Басира САЙИДАЛИЕВА

ОТАМ БЕРГАН ЎТИЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Отам Набиҳўжа Каримовнинг бу дунёдан кўз юмганлига 25 йил бўлди (Оллоҳ раҳмат қилсин). Отам вазмин, босиқ, синчков ва меҳрибон инсон эдилар. Биз бир ўғил, икки қиз эдик. Мен отамни жуда яхши кўрадим. Бизларга доимо поклик, ҳалоллик, меҳрибонлик ҳақида ибратомуз насиҳатлар қилар эдилар. Уйимиз қариндошлар билан обод, қўни-қўшиллар билан файли эди.

Ховлимизда катта боғ бўлиб узум, олма, олча, беҳи, анор, шафтоли, гилос каби мевадар бор эди. Отам бизларга қўшни ва қариндошларнинг ҳақи ҳақида кўп сўзлаб: "Тенг еганини тангри севар", дердилар.

Қўллари очик эди. Ҳаммани тенг қўриб, мевадар билан сийлардилар. Улар давлат қорхонасида 42 йил ишладилар. Виждонан, сидқидилдан ишлаганлари учун уларни ҳамкасблари ҳурмат қилишар, иззатларини жойига қўйишарди. Отам бизларни ўқитдилар.

Мен кенжа фарзандман. Ўзимнинг тўрт фарзандим бор. Фарзандлар тарбиясида отам берган ўғитлар қўл келмоқда. Биз отамизни доимо эслаб, руҳларига Қуръон тиловат қилиб тураимиз.

Сурайё БУРХОНОВА
Тошкент шаҳри

ҚАЙНОНАМНИ ЭСЛАЙМАН!

Хотира деганимизда ҳаёлимизга қанчадан-қанча азиз сиймолар келади. Бизга азиз бўлган сиймо — ойижонимиз, яъни қайнонамлар Марҳамат нам. Агар ҳаёт бўлганларида бу йил 97 ёшга қирадилар. Табарруқ ёш, ўзлари ҳам табарруқ, меҳнаткаш, меҳрибон она эдилар. 4 йилдирки ораимизда йўқлар. Лекин уларнинг ҳаёт давомчилири бўлмиш фарзандлари — олий маълумотли, обрў-эътиборли наваро-эваралари, давом эттирувчилари бор. Ойижонимиз олий маълумотли бўлиб, Машраб, Навоий газалларини ёддан айтиб берар эдилар. Қуръон тиловат қилганларида эриб кетардику гўё. Охиратлари обод бўлсин. Ойижонимизнинг порлоқ хотиралари доимо қалбимизда яшайди.

Раъно КАРИМОВА

Тошкент шаҳри

КИПРИГИ ОРАСИДА АСРАГАНДИ

Менинг бувим фаришгадеккина, меҳрибон эди. Отам ёлғиз ўғил бўлганликлари учунми, битта болам ўзидан қўлайди деб, биз набираларини нақ киприклар орасида асраб катта қилдилар. Ҳатто болалар боғчасига ҳам бердирмадилар. Ўз навбатида биз набиралар ҳам ота-онамиздан кўра кўпроқ бувиимизга ёпишардик.

Худди кечагидек эсимда, мен касалхонага тушиб қолган кунларимнинг бирида отам бувимга 1 дона олма олиб келиб берибди. Қиш кунлари олма, нок тансиқ эди. Бувим бечора олмани ўзлари еб қўя қолмай: "Дилфуза келсин, ҳаммамиз бирга бўлиб еймиш", деб ётиқлари тағига қўйибдилар. Кейин ҳаёллари фаромуш бўлганим, билмайман, олма ётиқлари тағига туриб-туриб чирий бошлабди. Буни қўриб, бир олмага ачинсам, бир кўнглимда бувимга бўлган меҳримни ўн чандон ошганини ҳис қилардим. Бувимга ўн нафсидан меҳрини устун қўйганди. Биз бувиимнинг иссиқ бағирларида ана шундай эркаланиб ўсган эдик. Бувижоним Уста Хомид қизи Шахрибон ҳаёт бўлганларида бу йил 90 баҳорни қарши олар эдилар.

Уйимиз тўйхонага айланиб кетарди. Афсуски, қўлимиздан юмуш келадиган бўлганда бизни авайлаб тарбия қилган бувиимиз йўқ. Меҳридарё бувижоним! Оллоҳ сизни ўз раҳматига олсин. Ўғил-қизларингиз, набираларингиз ҳамиша сизни руҳингиз ҳақида дуодамиз!

Дилфуза УБАЙДУЛЛА қизи
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

Бир аёлни биламан, болалари неча йил боғчага қатнаган бўлса, бирор марта ҳам уларни боғча байрамларига қатнаштирмаган. "Кийимларини тайёрлашга тоқатим йўқ", - дерди зарда билан. Байрам кунлари болалар шўрлик устларидан қўл осилиб, уйда қоладилар. Бу қандай бедодлик! Ахир бола учун дунёдаги энг гўзал байрам боғчадаги байрамлар-ку! Болалари ойлари давомида шу кунга атаб шеър қўшиқ, рақсларни интиқлик билан ўрганган-ку! Бола ҳам қатта шахс, катта юрак. ҳақиқий қувонччи фақат гўдакда кўриш мумкин. Наҳот она бўла туриб, "байрам" аталган хурсандчиликни боласига илтимаси?! Мунгайганига раҳим келмаси?!

Бу аёлда болаларининг туғилган кунларида табриклаш, уларга атаб бирор нараса пишириб-қуйдириш ҳам йўқ эди. Ҳеч йўқ шу болангичи не-не азизат билан дунёга келтирганинги бир бор эслаб туриб, бошини бағринга босиб қўймайсанми?

Бу аёлда бойлик етарли эди, дипломи ҳам бор эди. Фақат юрагининг кўзи ожиз эди! Унинг шу тарзда тарбия қилган болалари ким бўлади энди? Онанинг феъли уларга ҳам ўтиб қолса-я? Энг фожиали томони шу!

Уйингдаги, ташқи оламнинг, жисми жонингдаги мавжуд имкониятлар учун тинмай, дилдан шукрона айтишни одат қил ва бу амални юрагингдан ўчирмаслигини Яратгандан ёлвориб сўра! "Уним йўқ, буни минг йўқ" деб, ўқий бошлаган заҳотинг, қўлингиди нақдлардан битта-битта айри-ла болашинг мумкин, Худо кўрсатмасин!

Бир китобимда айтилган: инсон юксакларни кўзлайверади, олисларга интилаваради. Қўлдан кетиб, узоклашган омадини-ю ҳадедан келавермаётган бахтини кўмсаб бўзлаб бетокат бўлаверади! Унинг ҳамма хатоси шунда! Аслида одамзод ҳамиша бахт ичра яшайди! Бахтга туртиниб, бахт билан қўл ушлашиб, бахтдан нафас олиб турган бўлади. Аммо буни ўзи билмайди! Орага айрилиқ тушгандагина, бори йўқ бўлгандагина ёнени ўймалаб қолади. Ҳатто ўша айрилдим деб, фарёд солаётганда ҳам, турфа толе атрофини ўраб туради, инсон яна кўрмайди!

Кизойим, шукр қилишни билмаган одам бахтни танитайди!

Қўлинг буюрган ишингни ижро қиляпти, тилинг хоҳлаган кишингни эритиб беряпти, оёқларинг истаган жойингга олиб борапти! Бунинг шукронасини туну тонг айт!

Бу дунёда сенинг хунук ёки чиройилигининг малолиси қабул қиладиган фақат онангдир, фақат отангдир. Улардан кейин эса Яратганнинг меҳрибончилиги билан эрга аёл, аёлга эр берилади. Жами мушкулотда уларнинг бири-бирига ҳадди сизади. Умрларининг охиригача улар бир-бири учун муқофотдирлар. Аммо аксари ҳолатда ёнларидаги бу неъматни англамайдилар, қадрламайдилар. Дунёнинг қизик ишларига бир разм солгин, иннок, шовқинсиз яшаганларга нисбатан ҳамиша "жангу жадал", димоқ-фирик билан кексайганларнинг орасида бири қазо қилса, иккинчисининг ҳам эргаси кетиб қолиш ҳоллари тез-тез учрайди. Тинмай бировни кузатиб, фикру ҳаёлингни унга боғлаб яшайверсанг ҳам, умринг у билан тўлиб туради. Ундан айру тушиш етим қолиш билан баравардир! "Ёмоннинг ўти ёмон бўлади" деганлари шу!

Яхшим, ёмонми атрофингда сенга қарашли одамларнинг бўлгани бахтдир! Кимгадир чарчаб ҳизмат қилиб, кимнингдир гамида югуриб юриш ҳам бахт! Бунга шукр жоиз. (Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Турсунй СДИҚОВА

- Анчадан бери тахририятга келишни режалаштириб юраддим. Мана, шу кунларда Тошкент томонларга йўлим тушди, ниятим ҳам амалга ошадиган бўлди. Фақат бу борада албатта сизларнинг ёрдамларингиз керак-да, - деди Сурхондарёдан келган аёл.

- Баҳонидил сизга кўмак берамиз. Аввал гап нима тўғрисида эканлигини билай-чи?

- Иسمи Розия. Бахтли хонадоннинг бахтли бекасиман. Мени ҳар томонлама тушунадиган турмуш ўртоғим, бир-биридан ширин фарзандларим бор. Рўзгорим бут, турмушим фаровон... Мен мана шу бахтиёрлигимни доим бир нарсасига боғлашам.

Биласизми, ёшлигимдаги бир воқеа сабаб, мен жуда катта бахтсизликдан омон қолганман...

- Нима бўлган эди?

- Бу воқеа талабалик йилларимда бўлганди. Тожикистонда - педагогика институтида ўқирдим.

1986 йил 8 март куни Самарқандда ўқийдиган синфдош-дугонанинг турилган куну эди. Поезда Самарқандга қараб йўл олдим. Бахтга қарши поезд жадвалда ёзилган вақтдан кечика бошлади. Шу сабабли кеч соат 11.00да шаҳарга кириб келдик. Менинг келишим аниқ бўлмагани учун синфдошларим кутиб олишга чиқишмаганди. Шундай бўлса-да, атрофда ким билан термулдим. Хеч ким келмаганига ишонч ҳосил қилгач, йўлга тушдим. Транспортлар қатнови каймаган. Автобус кутиб турибман. Орадан ярим соат вақт ўтди ҳамки, дарак йўқ. Шу пайт қардандир пайдо бўлган 3 та барзангидек йигит мен томонга ақинлашиб кела бошлади. Улар тўғри менинг ёнимга келаётганини кўрдими, тескари бўрилиб олдим. Лекин кўрқувдан "дир-дир" титрай бошлашдим. Йигитлардан бири менинг ёнимга келди-да:

- Исмизинг нима, яхши киз?

- деди. Мен бир хўмрайиб тескари қарадим...

- Қани, жонон, бу ёққа юрингчи, бир айланиб келайлик, - йигитлардан бири мени торти-

лади. Мен жон ҳолатда бақириб унинг қўлидан қўтилишга ҳаракат қила бошладим. Атрофда биздан бошқа ҳеч ким йўқ. Йигит эса менинг бақиримга парвойи фалак, четга қараб торта бошлади. Шерикларидан бири келиб чап қўлимдан қаттиқ ушлади. Ҳар қанча чирасам ҳам уларга бас келолмасдим. Бор кучим билан қўлларимни юлқиб олдим-да,

сумкамча билан уларнинг юзига уриб, қўлларини тирнашга тушдим. Бу ҳаракатларим уларга таъсир қилмасди. Кейин улар кийимимдан маҳкам ушлашди-да, судраша бошлашди. Оғизларидан гулпилаб арокчинг ҳиди анкирдиди. Мен ўзимни ваҳший ҳайвон қўлига тушиб қолган ўлжага ўхшатдим. Ростдан ҳам улар ичкилик таъсиридан ваҳшийлашиб кетишган эди. Ноилож ялинишга тушдим:

- Жон акажонлар, раҳмингиз келсин. Сизларнинг ҳам сингилларингиз бордир, опаларингиз бордир, мени ўрнимга қўйиб кўринглар, - дедим йиғи аралаш.

- Бизнинг сингилларимиз кечаси юрмайди, оппоқ киз, - деди кесатик аралаш учинчи йигит. Улар инсофга келмасликларига кўзим етгач, жон ҳолатда:

- ЭНАЖОН! - деб бақириб юборибман.

Шунда осмондан тушдим, ердан чиқдим, ёнимизда бир йигит пайдо бўлди-да:

- Учта ўрвоннинг кучи битта қиз болага етибди-да, жўралар! - деди. Йигитнинг бу гапидан сўнг безорилар-мени қўйиб, аста-секин юриб унинг ёнига боришди. Жимгина турган йигитга қараб зўравонлардан бири тумшугини чўзди-да:

- Сени нима ишинг бор? Ёки калтак егинг келиб қолдими? - деди.

- Менинг-ку калтак егим келгани йўқ, бироқ сизларга шу нарсаси керак бўлиб қолганим дейман, - деди-ю, тумшугини чўзиб турган йигитни итариб юборди. "Дублёнка" куртка, жинси шим кийиб олган, бўйлари узун, ел-

калари кенг, бугдойранг, қошлари қалин, сочлари жингалак йигит (ҳозиргача унинг шу кўриниши хотирамда муҳрланиб қол-

Таърифларингиздан бири

ган) улар билан бирпасда ҳисоб-китоб қилиб қўйди... Бири қорнини ушлаб, бири иккинчисини суяб гўлдирай-гўлдирай нари кетишди...

Шундан сўнг "халоскорим" мен томонга ўтирибди. Ҳозир кимлигимни сўрайди, деган ҳаёл билан турган эдим:

- Сурхондарёликмисиз? - йигит мендан сўради.

- Ха... Қаердан билдингиз? - ҳалиям кўрқувдан титраган-ча зўрга сўрадим.

- "Энажон" деганингиздан билдим-да. Нима қилиб юрибсиз шу маҳалда?!

Унинг гапириш оҳангида юлатишдан кўра кўпроқ танбех оҳанг бор эди.

- Синфдош дугонанингизга келаётгудим.

Кейин қайси ётоқхонага боришимни сўради. Қайси туманданлигимни ҳам. Иسمи Мурод экан. Суриштириларида маълум бўлдики, менинг Усмон исмли синфдошим у билан бирга ўқир, ҳатто бир хонада турар экан. У ҳам сурхондарёлик экан. Мен унинг чапанилигидан ўзимнинг юртдошим эканлигини дарров пайқадан эдим.

Қисқа танишувдан сўнг манзилга етиб келдик. Дугонанинг хонасини топиб ичкарига кириб бордим. Келишимдан умид узиб ўтирган синфдошларим мени кўриб хурсанд бўлиб кетишди. Йигитлар аллақачон тарқалишган экан. Мен қандай етиб келганимни, поезд кечикканини, йўлда нима воқеалар рўй берганини лабим-лабимга тегмай гапириб бердим. Шунда бир дугонани:

- Бу ерга ким билан келдинг? - деб сўраб қолди.

Фақат шундагина мени кутиб турган йигит асимга тушиб, ўртоғимнинг саволини жавобсиз қол-

дирганча ташқарига отилдим. У ерда эса менинг катта сумкамни ёнига қўйганча Мурод турарди.

- Дугоналарни кўрганда бизни унутиб экан-да, - дея жилмайди у.

Боягина менга танбехона оҳангга гапирётган йигитнинг жилмайишини кўриб дадилландим:

- Кечирасиз, гап билан бўлиб...

Хуллас ўша куни Мурод ётоқ-

лар ёзганлигини, бироқ уларнинг бириортасини ҳам Усмон менга бермаганини билиб қолдим. Турмушга чиққанимга эшитган, Усмонга менингкига боришни таклиф қилган. Тўйи билан, фарзандли бўлгани билан табриклаб келамиз, деган. Усмон эса мен уникини билмайман деб баҳона қилган. Яқингача ҳам у Усмонларникига келиб-кечиб турган. Тақдирим билан қизиққан. Усмон эса ҳеч нарсаси айтмаган. Билмайман, деган. Ваҳоланки, биз бир кўча нарида турамыз.

- Буларни ким айт-

ди сизга?

- Яқинда Усмоннинг анча тоби қочиб қолди. Кўргани борган эдим. Ўзидан-ўзи: "Мени кечир, мен сендан анчадан бери бир нарсани яшириб келаяпман", - деб айтиб берди...

Энди нимага излаб қолди экан, бола-чақали бўлган бўлса, дерсиз. Тўғриси айтсам, мен Муродни бошқа маънода эсламаганман доим. Агар ўша машвум кун Мурод бўлмаганида билмадим нима ишлар содир бўларди. Эсласам, ҳалиям юрагим орқамга тортиб кетади. Менинг ҳозирги бахтли ҳаётимга, ширин-шакар болаларимнинг бахтига, бир қизнинг ҳаёти барбод бўлишига йўл қўймаган Муродни, фақат миннатдорлик ҳисси билан эслаб юраман. У ҳақда билганим, "Самарқанд Кооператив билим юртида" ўқиган, ҳозир Денов туманининг Холчён жамоа ҳўжалигида яшар экан.

Ниятим, Мурод ўз оила аъзолари, фарзандлари билан бу йил қиладиган ўғилларининг тўйига келса, уйимнинг тўрида ўтирса. Бундан кейин ҳам борди-келди қилса...

Ҳа, яхшилик инсоннинг зийнати. Оғир дамларда қилинган яхшилик умр бўйи ёддан чиқмайди. Одамлар бир-бирига берадир бўлмаса, яхшилик қилса қандай яхши. Инсонга қилинган яхшиликнинг албатта жавоби бор.

Биз албатта Розия билан Муроднинг қайта учрашишига, оилавий дўстлашишига ишонамиз...

Хулқар ХОТАМБОВЕВА

Қиссадан-ҳисса

олиб чиқар экан: "Оллоҳ сизга узок умр берсин, майли ўғил ҳам берсин, аммо уларнинг роҳатини кўрман", - дея қаради. Ўшанда бу гапга эътибор ҳам бермаган эканман. Янги хотин билан 15 йилча ашадик, икки ўғил туғиб берди. Иккисини ҳам олий маълумотли қилдим. Каттасини уйлантирдим. Лекин, бу кунларни кўриш хотинимга насиб қилмади. Ўша "беникоҳ" туғилган ўғлим, кўп ўтмай қартабозлик ва ичкиликка берилди. Кунига ичиб келиб жанжал қилаверганидан хотини ҳам болаларини олиб кетиб қолди, ишдан ҳам ҳайдалди. Ҳозир менинг пенсия пулимга ёки бирор кишини енгилроқ юмушини ичкилик эвазига бажариб юради. Кичкинам эса, мана 35 дан ошдики, уйланмади. Бу ҳақда гапирсанг, жиғибирон бўлади. Шу боис, юришим шунақа, ҳеч нарсаси билан қизиқмайман. Ҳеч ким билан гаплашмайман. Бу азоблардан кўра тезроқ ўлақолсайдим.

Қарғиш ёмон экан, илло фарзандларимга ҳам арокхўрликларинг майли, аммо қарғиш олманглар, деб насиҳат қиламан. Қарғиш олманглар, бола-жонларим!

Бобонинг кўзларидан оқётган кўз ёшларини кўриб, юрагим эзлиб кетди. Зеро, оғир дард тафсилотини тингласам оғир экан...

Хайрулла ХАМРОЕВ

Ҳар гал қариндошимиз яшайдиган ўша қишлоққа борганимда, усти боши кирчи, афтода бўлиб юрадиган девонасифат чолни кўп учратардим. У ҳар кимнинг ҳовлисига кириб, қорнини тўйга-

тўқнашиб кетди. Хуллас, совчи қўйдим, уйландим. Дунёда биздан бахтли жуфт йўқ бўлса керак, дердим. Ҳаш - паш дегунча у менга уч нафар, шириндан - шакар қизларни инъом этди. Қизларимни яхши

дан бошлаб тинчим йўқолди, ўғил армонли дилимни кемирар, хотиним ҳам кўзимга ҳунук кўрина бошлаганди. Кўшини жувор эса хотинимдан - да гўзалроқ ва гапга чечан эди. Ўша аёл билан пинҳона учра-

ҚАРҒИШ УРГАН ЧОЛ

кўрардим, аммо ўғил кўриш орзуси юрагимнинг алла-қайерда туғун бўлиб турар, ҳар замонда, айниса озгина ичган пайтимда хуруж қиларди.

Шундай кунларнинг бирида қўшнимизнинг бир ўғил, бир қиз билан тул қолган хотини билан суҳбатлашиб, аниқроғи дардлашиб қолдик. Эрининг ўлганига икки йилча бўлганди, қийналиб қолганини айтди. Отасиникига қайтиб кетиш нияти ҳам йўқ эмаслигини кўриб қўйди. Гап орасида хотинимнинг фақат қиз туғайгани, мен ҳам эл қатори тўй - ҳашам қилишим лозимлигини уқтирарканман у: "Агар мени олсангиз, қўша-қўша ўғиллар туғиб берадим", - дея хоҳлаб қулган бўлди. Шу кун-

дан бошлаб тинчим йўқолди, ўғил армонли дилимни кемирар, хотиним ҳам кўзимга ҳунук кўрина бошлаганди. Кўшини жувор эса хотинимдан - да гўзалроқ ва гапга чечан эди. Ўша аёл билан пинҳона учра-

ди. Келин қандай кутиб олади? Онаси бўлганда ҳам бошқа гап эди.

Бирок, мен ҳам аросатда эдим. Бир хотинимни, қизларимни, бир туғил-жақ ўғлимни уйлардим. Хуллас, хотинга талоқ бердим. Уйдан нарсаларини



ЧОРШАНБА 12

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектедфильм» намоиши: «Ўзбекистон маркази»
9.10 «Осори-атиқалари-миз»
9.40 «Оламга сайхат». Киноқўрувта.
10.00, 12.00, 18.00 ЯНГИ-ЛИКЛАР
10.05 Алфиб сабоқлари.
10.25 «Бошисиз чавандоз». Бадий фильм.
11.55, 12.25, 13.35 ТВ анонс.
12.05 «Баркамол авлод орзуси»
12.30 «Бу акни фасл». Телеальманах.
13.00 ТВ клип.
13.05 «Оштин». Теле serial.
13.40 Теннис бўйича «Тошкент оулен» халқаро турнири.
16.00 «Хайт комуси»
16.20 «Остонаси тиллодан»
16.40 «Ягона оилда»
Бағи тахтил кунларида: «Болалар сайраси»
17.10 1. «Сарғашлар асири», 6-кисм. 2. «Қуноқ шаҳарча». Телемусобақа.
18.10 «Ахоб саодат эрур». Бадий-публицистик қўрувта.
18.30 «Умид» телелотореяси.
19.10 «Мулк»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқим артаклари.
20.15 Киноқўрувта.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Ўзбекистон - АКШ: Хамкорлик йўлида». «Муштарак мақсадлар сари». 3-кисм.
21.25 «Қўшимчимиз Сизга армуғон».

21.50 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Оштин». Теле serial премьери.
22.20 Футбол бўйича жаҳон чемпионати қўрувта.
22.35 «ТВ-клуб»
23.00 «Ахборот - дайжест»
23.20-23.25 Ватан тиллолари.

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Қўрувталар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ қабат», «Хар соҳага сайхат»
9.45 «Мультишоша»
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусикий лавзалар.
10.25 «Эсмеральда». Теле serial.
10.55 Ешлар овози.
11.15 Автопарулъ.
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати қўрувта.
15.10 «Бук илак йўли. Нура»
15.20 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»
15.50 Уйна, болажон, уйна.
16.05 Тачин.
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати қўрувта.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Оқим навалари.
18.40 Катталар.
18.55 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Икким.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Оқим дастури.
20.25 Ешлар навалари.
20.45, 21.20, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.50 «Эсмеральда». Теле serial.
21.25 Ешлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Мухаббат кавхаси». Теле serial.
23.05 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.05-1.10 Хайри тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Қўрувталар тартиби.
17.20 ТВда serial «Офисда баридан чикан фирбогарлар», 8-кисм.
17.55, 19.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болаларон экран.
18.30, 20.00, 22.00, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусикий меҳмонхона»
19.30 «Санъатга бахшида умр». Ф. Раҳматова.
20.30 ТВда serial: «Белиска пил»
21.15 «Дорихона зинтида». Бевосита мулоқот.
20.35 Киноингоҳ. «Оқ фойдали»
00.15-00.20 Хайри тун, шахрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.00 Қўрувталар тартиби.
16.05 Теннис бўйича «Тошкент оулен» халқаро турнири.
20.00 «Время»
20.30 «Балик оининг миллий хусусиятлари». Кинокомедия.
22.25 «Италия ҳақида ҳикоялар»
23.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионати қўрувта.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
09.00-Дастуринг очилиши
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 - Детский час
10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ», serial
10.50 «Яхши кайфият»
музыкально-развлекатель-

ная программа
11.20 «Чертенюк», теле serial
12.10 «Шофер на один рейс», 2 серия
13.40 «Майами Сендс», теле serial
14.25 - Детский час
15.10 - Дневной кинозал: «Загадочный наследник», драма, 1 серия
16.50 «Футурама», мульт serial
17.15 «Путешествие для гурмана», научно-популярный serial
17.40 «Теле-хамкор», фойдали газета
18.00 «Что сказал покойник», serial
19.00 «За последней чертой», триллер
20.35 «Теле-хамкор», фойдали газета
21.00 «Спокойной ночи, малыши!»
21.15 «Ошикона», мусикий дастури
21.30 «Родственные узы»
00.00 Спорт в полном
00.55 - Программа переда-

РЖТ

5.40, 9.00, 14.00, 16.00 Новости
5.50 Фильм «О бедном гусаре замолвите слово». 1-я серия
7.20 Символы России.
«Кремль»
7.30 «О бедном гусаре замолвите слово». 2-я серия
9.10, 16.50 Символы России.
«Герб»
9.15 Праздничная концерт
10.25 «Юнона и Авось. Амалиция любви». Документальный фильм
11.20, 22.45 Футбол. Чемпионат мира.
13.25 Символы России.
«Гимн»
14.15 Символы России.
«Флаг»
14.25 Фильм «Странные мужчины Семеновы Екатерины»
17.20 «Шутка за шуткой».

18.05 Комедия «Особенности национальной охоты»
20.00 Время
20.30 Суши весла... Комедия «Особенности национальной рыбалки»
24.25 Детектив «Приговор»

РТР

3.35 Фильм «Мичман Панин»
5.05 «Кино-истории Глеба Скороходова»
5.15 Фильм «Испытание верности»
7.25 Ансамбль «Русская песня»
9.15 Комедия «Покровские ворота»
12.00, 17.00 ВЕСТИ
12.20, 21.25 Футбол. Чемпионат мира.
14.30 Развлекательная программа
14.55 Концерт Ирины Аллегровой
17.25 Интервью с первым Президентом России Б.Н.Ельциным
17.45 ПРЕМЬЕРА. «Научный трактат «Мы»
19.15 Фильм «Брат»
23.35 Дневник чемпионата мира по футболу

ТВ

9.00 Религиозная передача.
9.30 Х/ф «ЗВУКОРЕЖИСЕР»
10.45 «Звонок колокола России»
12.00, 15.00, 23.00 События. Время московское.
12.15 Родное кино. «БОЛЬШАЯ СЕМЬЯ»
14.05 «Пята и Красная Шапочка». Мультфильм.
14.25 «Первые». Людмила Пахомова.
15.15 Фильм-сказка «ВОЛШЕБНИК ИЗУМРУДНОГО ГОРОДА»
16.25 Детектив-шоу.
17.00 «Кто сказал мяу?» Мультфильм.
17.15 «ТРИДЦАТОГО» УНИЧТОЖИТЫ Телевизионный х/ф. 1-я - 3-я серии.

НТВ

6.55 Анонс дня
7.00, 9.00, 11.00, 15.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
7.15 Фильм «СУДЬБА БАРАБАНЩИКА»
9.15 Погода на завтра
9.20 Программа «ЗОЛОТОЙ ОСТАП»
10.20 Комедия «ПЕС БАРБОС И НЕОБЫЧНЫЙ КРОСС»
11.25 Фильм «КОРОНА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ, ИЛИ СНОВА НЕУЛОВИМЫЕ», 1, 2 серии
13.45 «ФУТБОЛ И ЖЕНЩИНЫ - КТО КОГО?» - ПРИНЦИП «ДОМИНО»
15.30 Концерт «ЗДРАВСТВУЙ, ЛЕТО!»
18.35 Фильм «ЧЕРНЫЙ ВОРОН», 19 серия
19.35 Драма «ПО ИМЕНИ БАРОН...», 11 серия
20.40 Комедия «ПЕС БАРБОС И НЕОБЫЧНЫЙ КРОСС»
21.40 Фильм «ВОСТОК ЗАПАД»
24.10 Триллер «ВОСКРЕШЕНИЕ»

TV centr

8.20 Смотрите на канале.
8.25 «АДМИРАЛ НАХИМОВ» Х/ф.
10.45 Мультфильм.
10.45 «Звонок колокола России»
12.00, 15.00, 23.00 События. Время московское.
12.15 Родное кино. «БОЛЬШАЯ СЕМЬЯ»
14.05 «Пята и Красная Шапочка». Мультфильм.
14.25 «Первые». Людмила Пахомова.
15.15 Фильм-сказка «ВОЛШЕБНИК ИЗУМРУДНОГО ГОРОДА»
16.25 Детектив-шоу.
17.00 «Кто сказал мяу?» Мультфильм.
17.15 «ТРИДЦАТОГО» УНИЧТОЖИТЫ Телевизионный х/ф. 1-я - 3-я серии.

НТВ

19.45 Телеканал «Дата». Праздничный выпуск.
20.45 Фильм «ПРИНЦЕССА НА БОБАХ»
23.45 Фильм «ПЕРЕВАЛ КАСАНДРЫ»
2.05 «Столичное небо». Музыкальный фестиваль.

НТВ

8.00 Фильм «ПЯТНАДЦАТИ-ЛЕТНИЙ КАПИТАН»
9.30 Мультфильм «Приключения Рекса»
9.50, 21.25, 2.10 «Глобальные новости»
10.00 Фильм «ОЧАРОВАТЕЛЬНЫЕ ПРИШЕЛЦЫ»
12.05, 3.20 «Скрытой камерой»
12.35 Из жизни женщины.
13.05 Хит-парад на ТНТ.
13.30 Фильм «МАЛЫШ ИЗ ДЖУНГЛЕЙ»
15.35 Мультфильм «Пав и Пикс»
15.55 Мультсериал для взрослых «Боб и Маргарет»
16.20 Русский народный serial «За Чудовищем»
16.50 Криминальная драма «КРИМИНАЛЬНЫЙ ТАЛАНТ» 2 серии.
20.30, 2.25 Сегодня.
21.00 Русский народный serial «За Чудовищем»
21.30 Комедийная мелодрама «РУССКАЯ ПИЩА»
21.45 Мелодрама «НА ЗОЛОТОМ ЛОТНОМ ПУТИ»
2.55 Русский народный serial «За Чудовищем»

НТВ

10.30 Булат Окуджава. Парик, 1995 год.
11.45 Марк Лестер в мюзикле «ОЛИВЕР»
15.00 «Очевидец» с Иваном Усачевым.
15.30, 22.30 «24». Информационная программа.
15.45 «Лучшие рекламные ролики». Док.фильм
16.45 Трагикомедия «УХОДИ - УХОДИ»
20.30 Боевик «ЛЕСНОЙ ВОИН»
23.00 Боевик «СУПЕР»
1.10 «Успех». Ток-шоу Кристины Лариной.
1.25 Комедия «АД РАСКРЫЛСЯ»

НТВ

7.00 Х/ф «АЛЕКСАНДР НЕВСКИЙ»
8.45 Мультфильм «Добрый Никитин»
9.05 Х/ф «ПЕТР ПЕРВЫЙ». 1-я и 2-я серии.
12.25, 1.10 Просто песня.
12.50 Телемагизин.
13.05 Х/ф «СУВОРОВ»
14.55 «Счастливого пути»
15.10 Х/ф «ДЕПУТАТ БАЛТИКИ»
16.45 «Заряд бодрости». Юмористическая программа.
17.25 Телемагизин.
17.40 Х/ф «ВАЛЕРИЙ ЧКАЛОВ»
19.10 «Гербы России». Государственный герб России.
19.25 Х/ф «СЕЛЬСКАЯ УЧИТЕЛЬНИЦА»
21.05 Х/ф «КУБАНСКИЕ КАЗАКИ»
22.50 Х/ф «ПОКРОВСКИЕ ВОРОТА». 1-я и 2-я серии.
1.35 Х/ф «НАШ АМЕРИКАНСКИЙ БОЯР»
3.00 Гала концерт, 70-летию Ханты Мансийского АО.
4.45 Х/ф «ПО СЕМЕЙНОМУ ОБСТОЯТЕЛЬСТВУ». 1-я и 2-я серии.

ПАЙШАНБА 13

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектедфильм» намоиши: «Ўзбекистон маркази»
9.10 «Сарғашлар асири», 6-кисм. 2. «Қуноқ шаҳарча». Телемусобақа.
10.00, 12.00, 18.00 ЯНГИ-ЛИКЛАР
10.05 «Мулк»
10.20 «Товуз малика». Бадий фильм.
11.50, 13.30 ТВ клип.
12.05 «Ахоб саодат эрур». Бадий-публицистик қўрувта.
12.25, 12.55, 16.40 ТВ анонс.
12.30 «Ўзбекистон - Ватан минаи»
13.00 «Оштин». Теле serial.
13.40 Теннис бўйича «Тошкент оулен» халқаро турнири.
16.00 «Депутат»
16.20 «Талабалик йиллари»
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
Бағи тахтил кунларида: «Болалар сайраси»
17.00 1. «Санъат гунаҳари», 2. «Беҳбарик». Теле serial.
18.10 «Ўзбекистон: ХО аср йиллари»
18.30 «Яхши ният». Теле лоторея.
19.05 «Инсон ва қонун»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқим артаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон ангиллари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Телемулоқот»
23.05 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.05-1.10 Хайри тун!

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Қўрувталар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»
Энди сизнинг муҳаббатингиз ҳақида гаплашсак, бу муҳаббат икки томонлама муҳаббат бўлган. Бир тарафдан ўз кўнгли, иккинчи тарафдан ота-она ризолиги. Мен шу нарсаларга аминманки, ота-оналар ўзи истаган қизни олиб беришмаса ҳам ўғлига, ҳам келинга, ҳам келиннинг ота-онасига қийин бўлади. Чунки қизи учун уларнинг ичи қуяди, севгани, севиб уйлангани учун қуввнинг. Агар йигит ота-она измидан чиқмай уларнинг гапи билан уйлansa, унда келин-куёвга, кўпроқ қуввга қийин. «Севганимга уйлансам бундай бўлмасди», - дея изтироб исканжасида қўйиб яшайди. Келин бечора эса эри кўнглига йўл топмай жони овора.

Хуллас, синглим ҳар бир ишнинг яхши-ёмони, оғир-енгли бўлгани учун ҳаётнинг ҳам ўзига яраша сийловлари бор.

У йигитни оқламоқчи эмасман, ўз севгиси учун курашиши керак эди. Лекин у тарозининг икки тарафига тош осиб қўриб, мажбурлик билан икки йўлни таллаган бўлиши мумкин. Ёки у йигит бу муҳаббати шунчалик тез сўнишини ўйламаган.

Синглим Мухаббат! Ҳаётда шомашошарлик билан қурилган иморат тез бузилганидек, ўйламай қўйилган қадам ҳам бир кун келиб пушаймон-

лик келтириб чиқаради.

Майли, баъзи йигитлар кўпроқ соф севги учун эмас, "соф бойлик" ёки ота-онаси ризолиги учун уйланишса, сиз қиз бола бўла туриб ўз муҳаббатингизга бефарқ қарамагингизни Оллоҳ қўриб турибди. Яратганининг ўзи сизга

"Энди ёшим ўтиб қолди"—5-сон

ЭСЛАТМА: Бир йигит билан танишдим, у ишонамизнинг ёнидаги сервисда ишларди. У совчи юбормоқчи бўлиб юрарди. Лекин ҳеч ким келмади. Бир кун: "Оғайинимнинг тўйи бўлапти", - деб айтди-ю, бир ҳафта йўқ бўлиб кетди. Билсам, у бошқага уйлган экан. Орани очиб қилдим. Уни кутмай бошқа йигитга турмушга чиқиб кетсам бўларкан. Чунки, уни деб анча умрим ўтиб кетди. Шуларни ўйлаб эзилди кетдим.

МУҲАББАТ

олий бахт инъом этади. Ва албатта, ёшим ўтди деб эмас, балки энди ҳаётга тайёрланыпман, дея инсон ўзини ишонтириши керак, чунки бу иш оғир синовларни тақозо этади. Сиз-у биз — аёллар нозик жуссамиз билан бу юкни баъзан кўтара олсак-да, лекин қалбимиз йилгаб қолади. Шунда ҳам ўзгалар кўнглини ўйлаб, ўзимизни яна яралайверамиз. Негаки, аёл — она. Дунё бешигини тебратган ҳам она, тақдир эшигини яратган ҳам она, тақдир эса ўз қўлимизда.

Оппок ўрқ гуллари
Йўлларидагидан ўйласин,
Сени соф-пох муҳаббат
ҳеч ҳам ёлғиз қўймасин.
Бахт қасрининг бўлажак
келинчаги бўларсан,
Ой мисоли осмонда сен
ярқираб тўларсан.

Дилбар
НОРМУРОВА
Термиз шаҳри

АКСИО

Шаҳноза РУСТАМОВА
Самарқанд шаҳри,
Темирйўл тумани

ОИЛАНИНГ БУТУН БЎЛСИН

"У кишини ҳурмат қиламан-у..."—15-сон



ЭСЛАТМА: Биз турмуш ўртоғим билан жуда ҳам аҳтиш, иноқ яшар эдик. Афсуски, бахтимизга қўз тегди. Турмуш ўртоғим фожевали тарзда ҳалок бўлди. Мен фарзандларим билан бева қолдим. Ҳўжайинимнинг бир дўсти менга уйлamoқчи. Лекин унинг ўз оиласи, фарзандлари бор...

МАРЖОНА

Синглим Маржона, сиз фарзандларим бор, яхши ишда ишлайман, обрўим ҳам яхши, деб ёзибсиз. Раҳматли турмуш ўртоғингизнинг дўсти сизга кўнгли қўйиб, иккинчи хотин қилиб олмоқчи экан. Сиздан ултимосим: "Ўтти ўлчаб бир кес", деган мақолга амал қилинг. У кишининг оиласи, фарзандлари бор. Ҳеч бир аёл ўз нонини осонликча яримта қилдириб қўймайди. Фарзандларингиз, дўст-ўртоқларингиз олдида обрўингиз тўқилиб, юзингиз шувут бўлиб қолмасин, дейман. Чунки мен ўзим ҳам ана шундай ҳаётий кечмишни бошимдан ўтказдим. Мен ҳам фарзандсизлик туфайли биринчи оиламдан ажрашганман. Ҳаёт мен учун фақат қоронғуликдан иборат бўлиб қолди. Шундай кунлардан бирида мен "у"ни учратиб қолдим. Менинг тушкун кайфиятимдан фойдаланиб у атрофимда парвозна бўла бошлади. У аста-секин менинг ҳаётимга кириб келди. Қўлдан-қўл ваъдалар, орзу-ҳаваслар билан учрашиб юрдим. Мен учун осмондаги юлдузни ҳам олиб беришга тайёр эди. Шундай кунларнинг бирида Худо мени "она" деган номга мушарраф этди. Дунёда мендан бахтли инсон йўқдек эди гўё. Лекин мен севган кишининг оиласи, фарзандлари бундан хабар топиб, кўп машмашаларни бошимга солишди. Ўзимдан жуда хафа бўлиб кетдим. Чунки унинг оиласи борлигини билиб туриб уларнинг аҳволини ўйламадим. Фарзандим туғилганидан сўнг, у билан умуман орани узиб, бошқа учрашмадим. Фарзандим 3 ёшга кирганда бошқа бир оиласидан ажрашган кишига турмушга чиқдим. Ҳаётимни бошқадан бошладим, десам ҳам бўлаверарди. Ҳозир тинч-тотув ҳаёт кечираяпман. Жудаям хурсандман.

Маслаҳатим — сизнинг ҳам тенгингиз чиқиб қолар, умид қилинг, фарзандларингизга бош бўлиб ўтирадиган меҳрибон кишини ҳали учратиб ҳам қоларсиз. Бутун оила бўлиб яшашга нима етсин. Бу дунёда бировнинг эрини қутиб яшашдан кўра оғирроқ азоб йўқдир.

Самарқанд шаҳри

САОДАТ

Мулоҳаза қилиб исмини яширган Х. М. дил ўртар саргузаштингизни ўқиб, айрим аёлларга нисбатан нафратим ортди.

17 йилдан буён сиз-ла умргузаронлик қилиб, икки ўғил ва бир қизни ўстираётган аёлнингиз Умиданинг қилмишларидан зорланиб: "Негадир кейинги пайтлар Умида ўзга-

сиз бўлган "дугона"ларингиз тутумини тўтиб, тинч-тотув оилавий ҳаётини, болаларингиз бахту камоллини, келажагини ўйламайдиган бўлибди.

Ораларингиздаги меҳр-муҳаббат иллари узилибди, эссиз.

Шўрлик Х. М.: "Болаларимни, айниқса, қизимни жуда яхши кўраман. Қиз бола отага меҳрибон бўлар экан. Ишдан чарчаб келганимда ол-

расидани тирик етим қилиб, аламини тортишини аниқ. Уларнинг баркамол ўсиши учун оиланг устуни — ота-ониси жуда керак. Жар ёқасидаги ҳаётингизни изига солиш ўз қўлингиз. Ундан кечирим сўраб болаларингиз отасини бағринга чорла! Айниқса ўғиллар тарбияси ота раҳнамолигисиз ярим бўлиб қолади. Қулоғингиза уққинки, эрига озор етказганга

ЁМОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ, БАЛОСИ ЮҚАР

"Дугоналар оиладан афзалми?"—14-сон

ЭСЛАТМА: Хотиним Умида билан 17 йил яшадик. Уч фарзандимиз бор. Бироқ у бир иккита эрсиз, нобоб аёлларга қўйилган, турли гап-сўзлар кўпайди. Қайнонамга айтсам, у қизига насихат ҳам қилмади. Иснодга қилиб ўз уйимдан чиқиб кетдим. Энди эса болаларим дийдорига ҳам зорман. Тошкентда бировларникида яшаб юрибман. Бу ахволга тушишмани хотинимнинг дугоналари сабабчи бўлди.

Х. М.

риб қолди. Арзимаган нарсалардан жанжал кўтариб менинг устимдан шикоят қиладиган одат чиқарди... У бир-икки нобоб аёллар билан борди-келди қилишши бошладу-ю, ўзининг ҳам юриш-туриши ўзгарди... - дебсиз.

"Қозонга яқин юрсанг, қораси, ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар", - деганларидек, шериклари нодон аёллар бўлган, уларнинг қасри уради-да! Эри бўла туриб Умида: "Булларга қўйилма, яхши аёллар эмас", - деганингизга унамагач, махалла-қўйдагилар уни ҳам "ёмон отлик" қила бошлашибди-ку, қилмишидан қўрсин.

Анджонга борганингизда қайнонангизга бўлаётган синаотларни ётиги билан айтганингиз яхши бўлибди. Лекин унинг онаси қандай бепасанд аёл эканки, қизиникига келганида: "Эрингни норозо қилибсан-ку", - деб бир оғиз насихатини раво кўрмапти. Умида эса ўз билганидан қолмай, сизнинг борлигингиз, йўқлигингиз билан ҳам иши бўлмай, икки эр-

димга чойимни, ош-овқатимни қўядиган, мен билан дардлашадиган меҳрибоним - биргина қизалогим. Эндиликда болаларимнинг ана шу меҳру муҳаббатидан ҳам бенаҳсиб яшайман. Ўз меҳнатим билан бунёд топган уй-жойим бўла туриб бир танишимникида ижарада турибман", - дебсиз.

Аслида, инсоф билан айтганда, (эри ёмон одам бўлса) Умида уйдан ҳайдалиши керак эди.

Ҳой, Умида, қўзингни каттарoқ очиб, қилмишларингни чуқурроқ ўйла! Нимагаки эришган бўлсанг, шу эринг орқасида эришгансан. Сўқсурдек фарзандларинг ҳам шу эрингнинг пушти камаридан дунёга келган-ку!

Қўзингни тезроқ очмасанг, уч но-

Оллоҳнинг озори нақд туради. Бу - ҳаётий ҳақиқат, безатибдорликни ташла!

Х.М.нинг: "Нега ёмон аёлларга жазо йўқ? Бундайлар қачонгага яхши одамларни тўри йўлидан адаштириб, ҳаётини заҳарлаб юрaverишади? Нега улар охиратни ўйлашмайди?", - дея бонг уришдида жон бор. Ахир, босар - тусарини билмаган аёллар четдан келиб қолган эмас, бу тар-

бияга беҳафсала қараган оналаримиз меваси.

Умиданинг онаси ҳам қизи тақдир борасида ҳеч нима сезмаганди ўтираверса, унинг бахтсизлигига сабабчи бўлиши турган гап. Яна бир муҳим масала шундаки, махалла фолларни қўзи олдида содир бўлаётган ҳар бир ҳаётий тушқунлиқни тезда илгаб олиб, уларни тўри йўлга солиш қайғусини қилиши, қўйди-чикқиди йўл қўймаслиги жоиздир.

Сўзим нихосида Оллоҳдан ёмон аёлларга инсоф беришини, ҳеч бир оилада эр-хотинлар орасида тушунмовчиликлар бўлмаслигини ва тотувлик ҳукм суришини тилаб қоламан.

Афифа ҲАСАН қизи



Азиз синглимиз Мавжудахон!

Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклиймиз. Аввало соғ бўлинг. Узоқ умр кўринг. Бир-биридан зукко, ақли қизларингизнинг бахтини кўриб, Зоҳиджон билан қўша қариб юринг. Оллоҳ келгусида сизга қўш-қўш тўйлар кўриб, фароғат-да яшашни насиб этсин.

Опаларингиз Матлуба ва Басира



Жигарбандларим ҲАСАН ака ва ЗУҲРА опа!

Сизларни қўшалоқ таваллуд айёмингиз - 50 ёшга тўлишингиз билан чин кўнгилдан табриклияман. Оилангиз ва фарзандларингиз бахтига соғ бўлинглар, умрларингиз узоқ бўлсин. Оллоҳ сизларга қўшалоқ тўйлар кўришни насиб этсин.

Укангиз Ёкубжон

Меҳрибон ўқитувчимиз Зиёда Абдуллаева!

Сизни навқирон 30 ёшингиз билан табриклиймиз. Сизни файласуфлик касбингизга омадлар тилаймиз. Оллоҳ умрингизни узоқ қилсин.

Т. Э.А.И ПХ 11-00 гуруҳ:
Исмаил РАХИМОВ,
Ирода ЭРҒАШЕВА

Иштихон тумани



ИЛОН ҲАМ БОЛАМ ДЕЙДИ

Абдуманноб ака ҳовлига кирганида неваралари аллақайдан келиб қолган илоннинг боласини хивич билан уришаётган экан.

- Ҳей, болалар, - деди у хивич зарбидан тўлғаниб, қочишга уринаётган илон боласига раҳми келиб. - Унга тегманглар. Олиб бориб сувга қўйиб юборинглар. Жониворни қийнаб, азаблаб бўлмайди.

Абдуманноб ака уйга кириб кетди ва пешин намозини ўқиб қайтиб чиқса, неваралари илон боласини кетмон билан чоғиб, бир неча бўлака бўлишиб, қўмиб қўйишди. У невараларининг шўхлиги учун койиган бўлди. Шу бўйи илон боласини ҳам унутди.

Эрталаб эса таҳорат олгани ҳовлига чи-

қиб, илон боласи қўмилган жойда ётган катта илонга кўзи тушиб, эти жунжикиб кетди. Илон қимирламай ётарди. Абдуманноб ака яқинроқ бориб қаради. Не кўз билан кўрсинки, у она илон бўлиб ўлиб ётарди. У боласини қидириб келиб, уни қўмилган жойидан очигаша ҳаракат қилиб,

ерни титкилади. Бирок илоҳини топа олмай юраги ёрилиб ўлибди. Илон ҳам болам дер экан. Қани энди, бола туғиб уни етимхонага ташлаб кетаётган аёлларда ҳам ўз боласига ана шу илончалик меҳр бўлса.

К. НИШОНОВ

Андижон шаҳри

БУВИЖОНИМИЗДАН АЙРИЛДИК

Биз бир оилادا тўрт овсинимиз! Мен кенжа келин бўлиб, қайнонам ўз онамдек эдилар. Қайнотам, Худо раҳмат қилсин, бу дунёдан ўтиб кетган эканлар. Қайнонамни «бувим» деб атардим. Жуда билимдон, доно, зийрак, покиза, умуман ҳар томонлама мукамал аёл эдилар. Менга кўп нарсаларни ўргатган, энг яқин маслаҳатгўйим бўлганлар. Бу хонадонга келин бўлиб тушганимга 12 йил бўлган бўлса, бувимдан кўп нарсани ўргандим. Бувим шу йил январда 63 ёшида узоқ касалликдан сўнг бу дунёдан кўз юмдилар. Жойлари жаннатда бўлсин. Уйда эр-хотини, икки фарзандимиз билан ҳувиллаб қолдик.

2002 йил 18 январ кун бувим қаттиқ касал бўлиб ётган эдилар. Қариндошлар, қайн-сингиллар, қайноғалар, овсинлар ҳаммаси йиғилиб бувим бошида ўтиришди. Кечаси билан ҳеч ким ухламади. Саҳарга яқин кўзим иланибди. Туш кўрибман, тушимда бир киши менга: «Мана, уй ҳам тайёр бўлди»,- деб янги қурилган уйга қараб турибди. Бундай қарасам, хом гишдан қурилган уй, шифери йўғу, шифери уйга ўхшаб томи сувалган. Томининг бир жойи худди мўрига ўхшаб тешик экан. Халиги қурувчи кишига: «Тоға, бу уйни томи тешик-ку, у ердан ёмғир ёғса чакка ўтса керак»,- десам, у киши: «Ўзи шундай қурилади-да»,- депти. Худди шу вақт бувимнинг инграшидан уйғониб кетибман. Қарилардан: «Тушда янги қурилган

уйни кўриш ёмон»,- деган гапларни эшитган эдим. Кўрган тушимдан хавотирга тушдим. Шу кунни тушликка яқин бувим қазо қилдилар.

Бу воқеадан аввал ҳам шунга ўхшаган туш таъбирини ўзимнинг бувим айтиб берган эдилар. Бир кун акамнинг тушида раҳматли дадамлар устачилик асбоблари - пой-теша, арра кўтариб кетаётган экан. Акам: «Дада, қаёққа кетаяпсиз»,- деса, дадамлар: «Уй қургани»,- дебдилар. Акам келиб, бувимга кўрган тушларини айтиб берибдилар. Бувим акамга: «Тушда уй курса ёмон. Менга уй қургани келдимикан»,- деб қўриб қўйибдилар. Ўша кун акам далада иш билан машғул бўлиб турганда тепаликка қўйилган трактор бехосдан пастга қараб юриб кетган.

Акам тракторни кўрмай қолган. Трактор келиб акамни эзиб кетишига бир баҳия қолган. Бу воқеани кўриб қолган кишилар зудлик билан акамни трактор йўлидан чиқариб олишди. Одамларнинг ёрдами билан акам бир ўлимдан қолади. Бу воқеани тушга йўйишди даров «худоий» қилиб, ис чиқариб юборишди. Илоҳим бундай воқеалар ҳеч рўй бермасин. Ҳаммамиз яхши тушларни кўриб юрайлик.

Маъмураҳон ЮСУПОВА,
Ёёвон туманидаги кишлоқ
хўжалик касб-хуна
коллежи кутубхоначиси

ҲАММА ГАПЛАРГА ИШОНАВЕРМАНГ

Яъни, қанақа гапларга? Масалан, «Макарон кишини семиртиради», «Тухум кўп истеъмол этилса, қондаги холестерин моддасини ошириб юбормайди», дейишади. Бу фикрлар мутлақо хато. Сиз иложи бўлса макаронни ҳам, тухумни ҳам таъбингиз тортганча тўйиб истеъмол этишингиз мумкин! Кўпчилик таъкидлаганидек, сариёғ ҳам одамни семиртириб юбормайди. Аксинча, сариёғ таркибида юрак фаолиятини яхшиловчи жуда зарур ёғ кислоталари мавжуд. Туз ошқача бўлса қон босими ошади, дея баъзан тузсиз парhezга ўтасиз. Йўқ, сиз бундай қилманг. Замоновий текширишлар натижасига кўра, овқатда туз бўлмаслиги юрак хасталикларининг ривожлани-

шига олиб келади. Тузсиз таом «ёмон холестерин» даражасини оширади ва бунинг натижасида турли касалликлар келиб чиқади.

Кечаси ухладан олдин овқат ёмаслик керак, деган гаплар бор. Агар қорнингиз оч бўлса, ётишдан олдин ҳам бемалол овқатланишингиз мумкин. Овқатга аччиқ зиворловлар қўшиб ейиш зарурми ёки бу соғлигимга зарар қилармикан, дея иккиланиб ўтирманг. Қалампир, хрен, мурча ва хантал (горчица) касаллик кўзгоччи бактерияларга кирон келтиради! Ёғли овқат меъдага зарар қилади», деган гапларга ишонманг, агар кўнглингиз тусётган бўлса ёғли таом ҳам ўз ўрнида фойдали.

ГУЛЖАМИЛА тайёрлади

Маслаҳатхона

Тошкент туманидаги 6 хонали, 8 сотих ери бор, 10 туп узуми, 2 сотих иссиқхонали парник, ҳаммом, канализация ва ҳамма қулайликларга эга бўлган уй, шошилинч, арзон нархда сотилади.

Манзил: Беруний бекатидан «Минвода» санаторияси бўйлаб 60, 473, 474 - автобусларнинг «Олтин - Тепа» бекати, Шухрат кўчаси, 3-уй (ўнг қўлда).

«Нуршоҳ» хусусий поликлиникасининг юқори малакали - лор, окулист, гинеколог, уролог, уролог-андролог, дерматолог, кардиолог, терапевт, косметолог шифокори аҳолига ўз хизматларини кўрсатадилар.

Шунингдек, поликлиникада УЗИ, ЭКГ, лаборатория текширувлари ва физиотерапия муолажалари мавжуд.

Телефон: 22-97-25; 22-45-39.
Манзилимиз: Юнусобод тумани, 19 мавзе, Дехқонбод кўчаси, 5-уй.
(Мўлжал АЁҚШ «Uzmaloli»)
Автобуслар: 67, 96, 129, 82, 60, 95.

ОИЛА — 7

Ёши 25 да, оқила, маълумотли, ишлари чаққон, чиройли аёл, турмушнинг оғир-енглини тушунадиган, ўз фикрига эга, ёши 35 ларгача бўлган йигит билан танишмоқчи.

Шерали ҲОЖИЕВнинг «Мўтти» студияси

Ўқув курсларига қабул қилади.
1. Актёрлик маҳорати. 2. Сухандонлик.
3. Шоу-дастурлари бошловчиси.
Навобий кўчаси-9.
Тел: 41-33-96, 58-48-50

«ҲАДИЧА-САЁХАТ» ЎҚУВ МАРКАЗИ Ўқишга таклиф этади:

3-ойлик: - Бичиш-тикиш 3-6 ой; - Парда ва чойшаблар тикиш (Элита); - Эраклар костюм ва шими; - Юмшоқ ўйинчоқлар ва сунъий гуллар тайёрлаш; - Торт ва салатлар тайёрлаш; - Сартарошлик; - Уй ҳамшираси; - Массаж 2 ой.
Манзил: Янгиобод даҳаси, «Янгиобод» кинотеатри биноси ичида.
Тел: 98-71-98. Автобуслар: 5, 23, 26, 30, 48, 61, 104, 119. Маршрутлар: «Раф» 18, 15, 29, 57, 75, 80. «Otayollar» 45, 39, 64.

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар: - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк ишлари ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили.
2 ойлик курслар: - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL, - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил авто-электр қисми ремонтни. 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик.
- Компьютерларни таъмирлаш устаси. - Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навобий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

«ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ замоновий касб-хуна курсларига таклиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНИК КУРСЛАРИ:
- WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-4 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби -2 ой.
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой.
- Акusherлик-6 ой.
- Ҳамширалик-3 ой.
- Аёллар ва эраклар сартарошлиги (Машгулотлар салоҳида ўтказилади) -3 ой.
- Эраклар сартарошлиги-2 ой.
- Фармацевт-4 ой.
- Бичиш-тикиш (замоновий моделлаштириш)-3 ой.
- Эраклар костюм-пальтоси-2 ой.
- Парда, қиривал (замоновий Элита усулида).
- Торт ва салат (олдй ва олий курси)-3 ой.
- Массаж-2 ой.
- Аёллар костюм-пальтоси-2 ой.
- Косметология-2 ой.

ДИҚКАТ! Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзилимиз: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

«BEGOVIM - SERVIS» ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:

«Беговим - сервис» ўқув маркази қизлар ва ўғил болаларни турли хил курсларга таклиф қилади: - сартарошлик - 1 ва 2 ой; - тўй ва оқшом гуллари - 1 ой; - косметология - 2 ой; - парда, пахирвал (Элита) - 2 ой; - пальто, плаш бичиш-тикиш - 1 ва 4 ой; - қандолатчилик - торт, салат тайёрлаш - 2 ой; - уй ҳамшираси - 2 ой; - массаж - 2 ой; - инглиз тили - 3 ой; - олий даражадаги кулинари (кейин-кўёв шаклини яшаш) - 1 ой.

Ҳамма дарсларимиз амалиёт билан ўтади. Ўқишни тугатгандан кейин диплом берилади. - автомобилларда В категорияси бўйича ҳайдовчилар тайёрлаш курслари (амалиёт Тикко ва Ваз3 автомобилларида олиб борилади); - автоэлектроник: Ваз3, НЕКСИЯ, ТИКО, ДАМАС, МАТИЗ ва ДЗУ автомобилларини барча турларини таъмирлаш; - автоэлектроник; - моторист; - чилангар (костоправ); - ҳаракатланувчи қисмларни таъмирловчи;

Ўқиш амалиёти: Ўзбекистон Россия қўша қорхонаси «Тошкент-Лада» очик турдаги акциядорлик жамиятида олиб борилади. Ўқишни тугатган гувоҳнома ва диплом берилади. Манзилимиз: Навобий кўчаси, 2-уй, 74-хона. (Мўлжал: Ўрда бекати. Феруза тилла магазини рўнарсидда) тел: 41-16-63, 144-40-47.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади: - Моделинг-тошкент (бичиш-тикиш курслари) - 2, 4 ойлик; - Моделинг конструктор (ишчи моделларни яратуви, 100% янгилик шунга асосланган шартли асосида); 2 ойлик; - Эраклар кийими - 2 ойлик; - Аёллар костюми, палтоси, плаши - 3 ойлик; - Дарғада, гарда, чойшаб, ёстик, дастурхонлар - 1, 1,5, 3 ойлик. ДИҚКАТ! Ҳоҳловчилар учун яқин тарзда мини-гуруҳларда (3-5 кишилик) олиб борилади. Ёзги таътил даврида махсус гуруҳлар қабул қилинади. (Мактаб ўқувчилари учун чегирмалар мавжуд) Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар кун (иканбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача. Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал Метроинг «Амир Темури» бекати, Магазин «Top moda», Тел: 133-73-97, 76-71-95.



Ғам келса қўша келади, деганлари рост экан... Яқинда муштипар онам оламдан қўз юмдилар. Онам 7 нафар фарзандни катта қилиб, "фарзандларим орзухаваси бировникидан кам бўлмасин", деб яшадилар. Аёл боши билан хамир қориб, олов олдида иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, новвойчилик қилганлар. Бизларни турмушга бериб, уйли-жойли қилганлар. Отам ҳам 2-гурӯх ногирони бўлишига қарамай, бизни катта қилишга,

ни, ширин сўзимизни аямадик. Онамизнинг ўзига дардларини билдирмасдан, югур-югур билан 2 йил ҳам ўтиб қолди... Мен ҳам сут эмган бандда, шу икки йил ичида фақат онам ҳузурига талпинар, юрагимга бошқа гаплар, ҳатто қил ҳам сиғмас эди... Аммо турмуш ўртоғим...

Худога шукр тўрт фарзандим бор. Бировдан камлик жойим йўқ. Эрим оилани бекаму кўст қилиб қўяр эди. Бироқ у жуда рашқчи, қилдан қийиқ ахтарадиган, қайсар

Нима қилишимни, нима дейишимни билмай қотиб қолдим...

Аёл киши эканман, чидадим! У эса кечирлишимни, бузқ аёлларга дуч келиб қолганини айтди. Уша пайтда унинг кайфи бўлганини тушунтирди. Тонг отгунча кўзимга уйқу келмади. Аламинини йиғидан олдим. Ёшим 48 да. Жанжал қилиб, гап кўпайтириб юришни ўзимга эп кўрмайман. Чунки бўйи етган, нуфузли олийгоҳларда ўқийдиган фарзандларим бор. На илож, ўз ёшимга ўзим қовириб

ҲАМ АЙРИЛИҚ, ҲАМ ХИЁНАТ

тарбиялаб вояга етказишга, ўқитиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Иккаловларининг ҳам жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим!

Онам мекхнатда эзлиб, болачақа деб заҳмат чекиб, дард ортириб яшаётганини кўрганимда барча нарсани ташлаб онам ҳузурига ошиқиб, дардига малҳам бўлгинг келар экан... Онам бундан икки йил олдин ошқорон хасталиги билан операция столига ётиб қолгач, бутун умидимиз Худодан бўлиб қолди. "Бахтимизга операциядан яхши чиқдилар" деб хурсанд бўлсак, шифокорлар онамнинг касаллиги оғирлигини, Худо умр берса 2-йиллик умри қолганини айтиб, бизни огоҳлатиришди. Онамнинг 12 бармоқли ичагида рах касаллиги бошланганини айтишди. Бунга эшитиб биз 7 фарзанд оёққа турдик. Қўлимиздан келган чораларни - ёрдамимиз-

эди. Гоҳида дунёга келганимдан пушаймонлар бўлиб кетардим. Уйда бирор жанжал қилса, "онани" деб ҳақорат чикса, онамнинг ўлчоғли умрлари қолганини кўз олдимга келтириб, эримдан совиб, муносабатим ёмонлашиб борадди.

Онамни ерга топириб, маъракаларини ўтказиб, қуйиб адо бўлиб юрганимда, эримнинг менга хиёнат қилганини билиб қолдим. Эрак кишини ҳадеб тергайвериб яхши эмас, деб эримни кўпам тергайвермасдим. Гоҳида убу нарсани ҳазил аралаш суриштиравсак, жажли чиқар, кўпинча гап талашиб қолардик. Шундай бўлса-да мен унга ишонардим, ҳамма нарсаси тўла-тўқис, фарзандлари, оиласи учун елиб-югуриб юрибди-ку, деб ўйлардим...

Бироқ бир куни эрим "йўл"дан келганида, не кўз билан қўрайки, унинг елкаларида қип-қизил бўса-лардан қолган излар бор эди...

либ ётибман. Эрак киши ишдан келганда чехрани очиб қутиб олиш керак, деган мулоҳазаларга қўшилиб, мен эримга худди шундай илтифот кўрсатардим. Вақтида кири ювилган, овқати тайёр эди. Лекин айнииман деган эрак, бунга қарамас экан...

Никоҳ, оила — муқаддас. Мен эримни ҳам оппоқ демайман. Лекин мана шундай тинч оилаларни бўзиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлаётган фоҳишаларга нахотки бирор жазо ўйлаб чиқарилмаса. Албатта, бундайларнинг бу дунёда бўлмаса, у дунёда жазоси тайин. Лекин ана шуларнинг дастидан азият чекаётган оилалар бор. Уларга осон эмаслигини энди тасаввур қилдим. Азиз юртдошлар, сизлар нима дейсизлар?

ДИЛДОРА
Тўйтепа



Азиз сирдошим — "Оила ва жамият", сени ҳар қал олиб ўқирканман, ҳаёлан сен билан суҳбатлашгандек бўлман. Кўндан бери мен ҳам ичимдаги бор дардларимни тўкиб солсам, мени қийнаётган виждон азобларидан қутуларишим, деб ўйлайман. Лекин ёзишга куч тополмайман. Жуда эзлиб кетдим. Энди тоқатим қолмади, шунинг учун ёзаяман.

Аслида гуноҳимни ювиш учун неки қилсамда оз. Яхшиси, ўз ҳаётимни бошдан гапириб берай:

17 ёшимда ота - онамнинг хоҳиши билан турмушга чиқдим. Синфимиздаги кўп йигитлар мени ёқтиришарди.

Тўйдан кейин эримни севиб қолдим. у ҳам мени қаттиқ севади. Бир - биримизни жуда ҳурмат қилиб, ўзаро қаттиқ ишонардик. Меҳнатимиз билан камчиликларимизни ўнглаб олдик. Ўн уч йиллик турмушимиз даврида жуда бахтиёр яшадик, тўрт фарзандли бўлдик. Бу кунлар ҳаётимдаги энг лаззатли ва бахтли кунларим эди. Афсуски, бир воқеа туфайли ҳаётим бутунлай издан чиқиб кетди. Мактабда ўқиб юрган кезларимизда кўпгина йигитлар қатори Р. исмли синфдошим ҳам менга севиғи изхор қилиб юрарди. Уша кун кўчада тасодифан йўлимда пайдо бўлди. Машинасида болаларини айлантириб юрган экан. Мени машинасида борадиган жойимга олиб бориб қўйди. Хайрлашаётган эртага турмуш ўртоғининг туғилган куни эканлигини айтиб, мени уйларига таклиф қилди. Мен бормай десам, беҳурматлик бўлар деб ўйлаб, эртасига уларникига бердим. Уйда Р. ўзи ёлғиз экан.

Хайрон бўлиб турмуш ўртоғини сўрадим. "Улар ҳозир келишадилар", - деди ва ўтиришга таклиф қилди. У ёқ, бу ёқдан гаплаган бўлдик. Қарасам, гаплари бежо: "Келишмади, энди кета қолмай", - деб турганимда, у келиб мени маҳкам ушлаб зўрлай бошлади. Қўлидан чиқиб кетишга ҳаракат қил-

ШУНДАЙ БЎЛДИ, ДЕБИМАЙ...

дим, бақирдим, йиғладим, инсофга қақирдим. Лекин дод-войимни ҳеч ким эшитмади. Унга кучим етмади. Р. эса ўз ниятига етди. Ҳеч кимга айтмасамгина, мени тинч қўйишни айтиб қўқитди. Уйимга қандай етиб борганимни билмайман. Мен учун аламлик кунлар бошланди. Бўлиб ўтган воқеадан дилим ғаш бўлиб, дардимни ҳеч кимга айтмасдим. Кунлар эса ўтаверди. Бир куни даладан қайтаётсам, изимда бир синфдошим. Кўзлари бежо ҳолда мени тақиб қилиб келарди. У ҳам мактабда мени севадиган йигитлардан бири эди. Кўрмагандек бўлиб уйимга югурдим. Уйга келиб, унинг ёмон ниятда мени пойлаганини Р. ўртаимизда бўлган воқеани унга айтиб бердимикан. Нима қилишимни, яна бир фалокатнинг олдини қандай олишни ўйлаб, уйимга етолмасдим. Эримнинг укаси билан, дўстона муносабатда эдим. Хотинидан ажрашганига ҳам беш йил бўлган, барча гапларини менга айтар, ўртаимизда ҳеч қандай сир йўқ эди. Унга ишонганлигим сабабли, ҳамма гапни айтиб бердим ва «Р. ўртаимиздаги гапни бошқаларга айтиб, менга ёмонлик қилиши мумкинми», - деб сўрадим. У менга тасалли бергандек бўлди.

карайдиган бўлди. Далада ҳаммамиз бирига ишлардик. Бир куни кечки пайт қайноғам иккаламиз ёлғиз қолдик. Эрим иш билан қаергадир кетганди. Бир пайт қўқисдан қайноғам менга тегажоглик қила бош-

лади. "Акангизнинг феълини биласиз, ҳозир келиб қолса ёмон бўлади. Сизни ҳам, мени ҳам соғ қўймайди", - дедим. Шунда у: "Мен ҳам уйланарман, ҳали бахтли ҳам бўлиб кетарман", деб менга дўқ аралаш араз қилди. У ичиб ҳам олганди. Ушлаб ўзига тортиди ва зўрлик қилишга тушди. Қанчалик қаршилик кўрсатмай, унга кучим етмади. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Қайноғам мени доим таъқиб қилиб юрар, пайт топи дегунча зўрлик қилиб ўз ниятига эришарди. Агар кўнамас Р. билан бўлган воқеани эримга айтиб беришни пеш қилиб қўқитарди. Мен доим қўрқиб яшардим. Худди қайноғам орамдан келиб пичоқ ураётгандек туюларди. Шу тахлитда уч, тўрт ой ўтди. Нима қилишимни, кимга дардимни айтишимни билмасдим. Ичимдан эзлиб юрганимни сезгандай бўлдим, эрим, эндиликда мени қалтқайдиган одат чиқарди. Ичиш-чекишга берилди. Мендан: "Укам билан сенинг орангидан нима гап бор", - деб сўради. Мен эса аламинини 13 йиллик ҳаётимиз даврида туғилган тўртала ширин-шакар фарзандларимиздан оладиган бўлдим. Гуноҳсиз болаларимни жер-

киб, уриб, сўқадиган бўлдим. Лекин шу болаларимни отасиз ўсиши мумкинлигини ўйлаб, эримга дардимни айтолмасдим. Нима қилай, менга қолса шундай бўлсин дебимдик. Ҳаётим заҳарга айланиб борадди. Бир куни у менга орани очик қилувчи бир "fan" айтди. "Туғилганидан ҳозиргача бўлган гапларини айтсанг, сени кечириб олиб қоламман. Акс ҳолда шарман-

дангни чиқариб, ота-онангнинг олдида олиб бориб ташлайман", - деди. Мен нолож ҳамма бўлган воқеани унга айтиб бердим. Фақат укаси билан оралари бузилиб кетмасин деб ўйлаб: "Ҳамма айбон менда, мен хоҳлаганман", - дея укасининг ённи олдим. Эрим лафзиди туриб мени олиб қолди. Лекин жанжаллар шу билан тугаб қолмади. Қайтага баттар авж олди. Уришимиз устига бир куни ота-онам келиб қолишди ва мени болаларим билан ўз уйларига олиб кетишди. Икки йил ота-онаникида яшадим. Барча кўргүликлардан сўнг дунёдан тоқ ўтаман, деб ўйлагандим. Лекин ота-онам яна мени бошқа кишига турмушга беришди. Икки фарзандим эримда, иккитаси ўзимда. Ҳозирги эрим яхши йигит. Менга ва фарзандларимга меҳрибон, кўнглимга қараб иш тутади. Лекин унга ҳеч кўнглим йўқ. Ҳамон ўз эримни севаман. У икки марта уйланиб, ажрашгандан сўнг энди келиб мени ва болаларимни олиб кетмокчи бўлиб юрганмиш. Нима қилишга хайронман, менга маслаҳат бер сеvimли газетам.

НОТАВОН АЁЛ

ШИРИН ОИЛАНИ АСРАДНИ КЕЛДИ

Асли Фаргона вилоятидан. Пойтахтдаги таниқли футбол клубларидан бирида ўйнайман. 1999 йили гузал бир қиз билан танишиб қолдим. У билан бир-биримизни синаб турмуш қурдик. Қиз турмушга чиқиб бир ой яшаб ажрашган экан. Бундан мен билан танишганида айтган эди. Мен эса: "Майли, мен уйланмаганман, аммо сизни бахтли қилишга ҳаракат қиламан", - дедим. Оила аталмиш буюк бахтни қурдик. 2000 йилда фарзандим ҳам бўлди. Лекин қувончимиз узокқа қўзилмади, ўғлим 1,5 ёшида оламдан ўтди. Ҳаётимдаги барча кўнглисизликлар шундан кейин бошланди. Қайнонам, хотинимнинг кичик

синглиси жанжал қилишиб: "Ҳаммаси сендан бўлди. Энди бу ердан йўқол", - деб бақиршиб хотинимни олиб кетиб қолишди. Мен уй сотиб олиб хотинимнинг номига расмийлаштиригандим. Билмадим, гуноҳим нима эди? Халигача тушунолмайман. Қайнонамнинг уйини эса ўз хисобимдан қуриб бергандим. Ҳар бир байрамда қимматбаҳо совғалар билан бориб табриклардим. Лекин улар мени бирор марта ҳам туғилган кунимда табриклашмаган. Гап бу ерда совғада эмас. Мен бу гапларимни миннат қилиш учун айтмапман. Эҳтимол мендан ҳам айб ўтгандир. Қайнотам билан муносабатимиз яхши. У киши жуда беозор инсон. Хотиним билан ҳам муносабатимиз яхши. Фақат қайнонам унга: "Ё бизни дейсан, ёки эрингини. Агар уни десанг, бу уйга бошқа қайтиб келма", - дебди. Икки ўт орасида қолган хотиним бир куни кечаси: "Нима қилай? Дунёдан тўйиб кетдим", - деб роса йиғлади. Хотинимни яна икки синглиси бор. Бири 26, иккинчиси 24 ёшда. Ҳали турмушга чиқмаган. Мендан ўз қизини ажратиб олиб қайнонам нима қилмоқчи? Севиғи кўзимни кўр қилиб қўйганмиди, илк бор келган кунларимда қўни-қўшилари ҳар хил гапларни гапирса ишонмаган эдим. Лекин мен хотинимни ҳозир ҳам севаман, бунга фақат Оллоҳ ва ўзим биланман. Шунинг учун қайнонам бо-

шимдан тегирмон тошини юргизса ҳам яшайман. Чунки хотинимсиз яшашнинг қизиғи йўқ.

Қайнонам бизни бахтимизга чанг солгандан қўра, Оллоҳдан болаларини, қолверса икки қизининг ҳам бахтини сўраб, дуо қилиб яшаса бўлмасмикан? Шу кунларда бир дарддошга, маслаҳатга зорман. Менга тўғри йўлни кўрсатинглар. Оиламни сақлаш учун нима қилай?

Хотиним ҳозир ҳомиладор. У ҳам мени севади. Иккимиз ҳам тинч, бахтли яшашни, фарзандлар ўстиришни орзу қиламиз. Лекин нима учун қайнонам ўз қизининг бахтли яшашига қаршилик қилибди? Балки ёшлик қилиб бирор хато қилдиммикан? Нима бўлганда ҳам хотиним билан ажралишни истайман.

М. М.

- Пиримкул ака, кечагидек эсимда. "Уч илдиш", "Эрк", "Қадрим" каби асарларингизни кўпчиликл, айниқса талабалар талашиб ўқишарди... Биз бу асарларни ўқиб халқимизга хос бўлган фидойийлик, меҳнатсеварликни кўрганмиз, фахрланганмиз. Сиз уларни яратиб жараёнида кимлардан мадад олгансиз? Асарларингизда айниқса, муҳтарама аёл образи жуда жозибали талқин этилган...

- Адабиёт ўзининг бутун кучини ҳаётдан олади. Мен ҳамиша ҳаётда билсан нарсаларим, кўрган одамларим ҳақида

- Ёзувчининг асл мақсади - ҳақиқатни айтиш. Адолат ҳеч қачон ҳақиқатсиз бўлмайди дунёда. Адолат асосида ҳамиша ҳақгўйлик ётади. Шунинг учун ёзувчи ҳақиқатни айта биладиган, халқнинг дилидаги ҳақиқатни билиб айтишга қодир инсон бўлиши керак.

- Оилани сақлаб турувчи устун бу аёл киши, оиланинг султони эса эркак, деймиз. Баъзан турмушнинг синовларига чидай олмай, ажралиб кетаётганлар бор. Оилани сақлаб қолиш кўпроқ кимга боғлиқ, деб ўйлайсиз?

- Халқимизда "Куш уясида кўрганини

кўз қилишмас, ўзларини камтар тутишаркан. Салгина бойлигини кўз-кўз қилишса, телевидение, матбуот уларни кулгу остига олиб, халққа кўрсатиб, шарманда қилар экан. Тўғриси айти қолай, кўз-кўз қилиш кўз тегишга олиб борадиган нарсас. Ортиқча сарф-харажатлар қилиб дабдабали тўй ўтказадиган одамлар ҳақида шундай мулоҳазаларим бор. Ақл-фаросати тараққий этмаган одамлар ташқи ҳашамга жуда берилишади. Шундай оилалар борки, ўз тили қолиб кўпинча ўзга тилда сўзлашиша-

озгина кучайтириш, кўлимдан келганича кучини ошириш, деб билдим. Айни пайтда ўзим шу дарёнинг қудратини калбимда хис қилиб, асарларимда тасвирлаб, китобхонларга ана шу дарёнинг кучини қайтариб беришга интилдим. Устозларимиз бу йўлда ҳамиша бизга сабоқ беришган. Менинг яхши кўрган ёзувчиларим: Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат... Уларнинг ҳар бир асари эзгуликка хизмат қилган.

- "Жаҳон адабиёти" журналида чоп этилган "Она лочин видоси" асарингиз адабиёт мухлисари тилига тушди. Китоб ҳолида ҳам чоп этилди.

- Китоб ҳақида ҳолис китобхон фикр билдирса, жони-дили билан тинглайман. Шўро тузуми даврида жуда буюк сиймоларимизга ёмон айблар тақалди, асарларини ўқиш тақиқланди. Шу чоққача тарихий манбааларда битилган ҳақиқатларни адабиётга олиб кириш жуда мушкул эди. Улуғбекдек буюк сиймони тарбиялаган ота-онанинг хизматлари ҳар қанча тахсинга сазовор. Амир Темур вафотидан сўнг, теурийлар шажарасини тиклаб, юксалтириб, қирқ йил яна шуни жаҳонга танитиб, тарихда ёрқин из қолдирган сиймолар ҳақида ёза олмаслик, ҳатто уларни тилга олиб бўлмаслик азоблари мени ҳам кўп безовта қилган. Шўрки, шу ҳақида китоб ёзиб, китобхонга етказиб бериш бахти насиб этганидан жуда хурсандман.

Китоб ҳақидаги фикрларнинг ижобий бўлаётганлиги мени қувонтиради, албатта. Романдаги бош қахрамон — Гавҳаршодбегим икки буюк даҳо — Улуғбек билан Алишер Навоийни бир-бирига тарихан боғлайдиган сиймодир. Улуғбек вафотидан сўнг у бор меҳрини Алишерга беради, истеъдодини қўллаб-қувватлайди. Алишер Навоий ўзининг "Вақфеъа" асарида бу аёлни жуда катта ҳурмат билан "Маҳдун Ул", яъни, Авлиё она деб атагани бежиз эмас. Шу асарида "Билкиси узро" деб улуғ таъриф беради. Билкис - бу Сулаймон пайгамбарнинг энг ардоқлаган оқила, доно умр йўлдоши бўлган. Шарқ адабиётида "Билкис" сўзи гўзаллик, аёлликка хос садоқат, донолик рамзи ҳисобланади. "Узро" деган сўзнинг маъноси эса буюк дегани. Шу тўртта сўз билан Навоий Гавҳаршодбегимнинг улуғ сиймо бўлганини бизга маълум қилиб кетади. Ваҳоланки, Навоий ўзига замондош бўлган камдан-кам аёлларни қаламга олган.

- Сир бўлмас... ҳозирги кунда қандай асарлар устида ишляпсиз?

- Менинг бироз олимлигим ҳам бор. Бир баъзлар бадиий тил ҳақида "Тил ва дил", "Халқ тили" деган китоблар ёзганман. Мумтоз адабиётимиз тилини халқ оммасига тушунириб, талқин қилиб беришга эҳтиёж катта. "Бобурнома"ни ўқишда қийналаётганлар кўп, Алишер Навоий тили мураккаб дегувчилар ундан ҳам кўп. Мен ўттиз-қирқ йиллардан бери мумтоз асарларни ўрганиб, бадиий асарларга, романларда фойдаланиб юрибман. Билганларимдан фойдаланиб мумтоз адабиётимиз бадиий тилининг жозибаси, фазилатлари ҳақида китоб ёзаялман.

- "Оила ва жамият" газетасини халқимиз жуда севиб ўқийди. Газета мухлисари қандай тилакларингиз бор?

- "Оила ва жамият" газетасининг барча мухлисарига омад, соғлиқ, оилавий бахт тилаб қоламан.

Сухбатдош:
Меҳринисо ҚУРБОНОВА

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул ҚОДИРОВ билан суҳбат

ёзганман. Ўзингиз ишонмаган нарсалар китобхонни ҳам ишонтира олмайсиз. Сиз айтган оналарга хос, халқимизнинг феълига хос фидойийликларни ҳақиқатан ҳам ўзим кўрганман. Онам раҳматлик 87 ёшда оламдан ўтди. Ўзини фидо этиб, бизни неча марта касалликлар, ўлим хавфидан қутқариб қолганлиги асло ёдимдан чиқмайди. Мен бу ҳақида яқинда чоп этилган "Қалб кўзлари" деган хотира китобимда ёздим. Менинг опаларим узок тоғ қишлоғида ўсишган. Нихоятда қалблири пок, диёнати аёллар эди. Ҳатто Бобурнинг опаси Хонзодабегимнинг фидойилигини мен ўз опаларим тисмолида кўрганман. Опаларимдан иккитасининг турмуш ўртоғи фронтга кетиб қайтиб келишмаган. Бири 27 ёшида учта, иккинчиси иккита фарзанди билан 35 ёшида бева қолиб, уларни тарбиялаб ўстиришди. Бошқа турмуш қуришмади. Бутун умрларини болаларига фидо қилдилар. "Илиж" деган ҳикоямни ана шу опаларимга бағишлаганман. Опаларим бизга ҳам жуда меҳрибон эди. Турмуш ўртоғим Сафийахонда ҳам ўзига хос фидойийлик хислатлари кучли. Мана ёшимиз 70 дан ошди, 50 йил бирога ҳаёт кечираялмиз. Энди боғи савабиниғизга қайтсак. Ҳаётда кўрган нарсаларингиз адабий асарда фантазия қўшилиб ўзгарди, бошқача бўлади. Лекин, моҳият албатта сақланиб қолади. Адабий асардаги образ зотиқатқа ўхшатсак, ҳаётдаги прототип сут вазиғасини бажаради. Сиз косадаги сутта бир қошиқ оқлик соласиз, бадиий образ ҳам ёзувчи ўзи бошидан кечирган, ҳаётдан олган катта ҳажмдаги воқеаларни, прототипларни асарга оқликдек сингдиради. Мен ўзбек аёлига хос донишмандликни сўнгги ёзган асарим "Она лочин видоси"даги Гавҳаршодбегимда акс эттиришга ҳаракат қилдим. Бу аёлнинг маърифати, жаҳолатга қарши курашдаги жасорати, Улуғбекдек фарзандни тарбиялашдаги меҳру оқибати, умр йўлдоши Шохрух Мирзога садоқатини имкон қадар ёритишга интилдим. Шохрух Мирзо суяқсизга учраб, ўлим хавфини бошидан кечирганида бир неча кунлар, тунлар тепасида бедор тонг оттиргани, подшоҳ оғир ахволда ётган, ҳокимият ишларини ҳам тадбиркорлик билан оқилона бошқаргани, суяқсизчиларни топиб жазолашгача бўлган ишларда қатнашиб, улкан ишларни қилганлиги - бу тарихда бор нарсас. Ҳаёт ҳақиқатларини бутун борлиғича идрок этиб, уни ўқувчига етказиб бериш ёзувчидан катта меҳнат, тинимсиз изланишни талаб қилади.

- Пиримкул ака, ёзувчи учун энг муҳим нарсас нима? Унинг ўқувчига айтар гапи, асл мақсади нималардан иборат бўлмоғи керак?



қилади", деган ажойиб нақл бор. Ёшлар оилада қандай тарбия кўрган бўлса, яхши ёмон томонлари вақт ўтган юзгага чиқади. Иккинчидан, оилани жуфт қанотларга ўхшатиш мумкин. Куш ҳеч қачон битта қаноти билан уча олмайди. Эрак ҳам, аёл ҳам оилани муқаддас деб билиши лозим. Ота онанинг, она эса ҳеч қачон отанинг ўрнини босолмайди. Ҳар бир оила турмуш синовлари қаршида доддираб қолмаслиги керак. Ҳозир "Қарс икки қўлдан чиқади", деган нақл эсимга тушаяпти. Оила бошиданок меҳр-оқибат асосига қурилиши лозим. Бўлажак эру хотин бир-бирини тушунадиган, бир-бирини қадрлайдиган, феъл-атвори бир-бирига тўғри келадиган одамлар бўлиши керак.

- XX асрнинг бошида Абдулла Авлоний ҳаётимиздаги энг катта иллатлардан бири - бу "дабдабали тўй балоси"дир, деган экан. Қаранг, бугунги кунда ҳам бу мавзу муаммолиғича қолмоқда. Бу ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

- Халқимиз тўйни яхши кўради. Бир-биримизга яхши тилаклар билдирсак, "тўйларга етказсин", деймиз. Чунки, тўйлар ёшларнинг бахтига хизмат қилсин. Эсидан қикмасин деймиз. Лекин турмушимизда ташқи бир обрўга ташна бўлган, бор-йўғини сарфлаб ўзини кўз-кўз қиладиганлар бор. Яшириб нима қилдик. Яқинда Америкада бўлдим. Уша ердаги катта миллионерлар бойликларини кўз-

ди. Мени бу ҳол жуда ранжитди. Кўриниши маданиятли, зиёли, лекин қилаётган ишлари, ўйлари ҳаёт мезонларига сиғмайди. Бу ўша инсондаги ички маданиятнинг етишмаслигидан, деб ўйлайман. Туркиядаги тўйларда ҳам бўлдим. Ўттиз-қирқ киши тўпланиб, келин-куёвнинг оиласи учун энг зарур жиҳозни харид қилиб ёрдам беришар экан. Бизда тўй қилаётган одам камида 500 та одам қақирмаса, меҳмонлар эса тўн киийиб кетмаса, аразлайди.

- Оилаларни қийнайтадиган маъракаларимиз жуда кўп-да, Пиримкул ака. Шундай эмасми?

- Тўғри айтасиз, бир оиланинг бошига мусибат тушса, арманларда, озарбойжонларда кўрдим, маблаг биланми, бирон кўмак биланми қарашлар экан. Тўғри, бизда ҳам маҳалла-қўй қарашади. Лекин, етти-сикки қилиш керак, йигирмасини қилиш керак, қирқини қилиш керак, деган тинкани қуридадиган маъракалар кўп. "Дин ўзи бундай маросимларни таъқиқлайди", деб минбарларда, масжидларда ваъз айтадиган муллагаримиз худди шу маъракаларнинг бошида тўрни тўлдириб ўтиришади. "Мумкин эмас бўлганидан сўнг ўзларингиз ҳам борманглар-да", деб уларга ачиқ-ачиқ гапиргим келади. Чунки, ортиқча маъросимлар, иллатлардан тезроқ қутулишимиз керак. Келгуси авлодлар томонидан бу бартараф этилади, деб ўйлайман. Маърифатли, ҳақиқий ички маданияти бор, жаҳон кўрган, дунё ҳалқлари таърибасини чуқур англаб идрок эта олган инсонларгина мана шундай иллатларга қарши кураша оладилар. Вақти келади. Мен бунга ишонаман.

- Инсон учун яшашнинг маъноси нима?

- Инсон булоқдек бўлиб дунёга келади. Бир жилга сув бўлиб ҳаёти оқади, дейишади. Шу булоқ бориб дарёга қўшилса, булоқ билан дарёнинг кучи қўшилади. Булоқнинг суви ўзида дарёнинг қудратини хис қилади. Менинг асл мақсадим, халқнинг ҳаётига қўшилишдир. Тарихчи бўлиб халқнинг тарихий ҳаётига кириб бордим, халқ ҳаётини катта дарё деб тасаввур қилганимда, дарёга бир булоқдек бўлиб қўшилиб, шунинг сувини

Билал ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нукта назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўл ёзма тарҳил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда "Оила ва жамият"дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 22.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳо эркин нархда. Адади — 3183
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.